

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВАЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
БИОЛОГИЯ-ТУПРОҚШУНОСЛИК ФАКУЛЬТЕТИ**

Ширинова Ойгул Давлатовна

**АТРОФ ТАБИИЙ МУҲИТ СИФАТИ ВА АҲОЛИ
САЛОМАТЛИГИ**

(Бухоро вилояти мисолида)

МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ ИШИ

Илмий раҳбар:

Илмий раҳбар :

б.ф.н.,доц. Ёдгорова Д.Ш

ТОШКЕНТ – 2012

Мундарижа

Кириш.....	3
I Боб Бухоро вилоятининг табиий шароити ва уни бузилганлик даражаси.....	6
1.1 Бухоро вилоятининг табиий шароити	12
1.2 Бухоро вилояти табиий шароитининг бузилганлик даражаси	17
II Боб Бухоро вилоятининг ижтимоий экологик ҳолати.....	19
2.1 Бухоро вилоятида ижтимоий –экологик муаммолар.....	19
2.2 Аҳоли саломатлигига табиий –муҳит ҳолатининг тасири.....	26
III Боб Бухоро вилоятини ижтимоий –экологик районлаштириш ва уни оптималлаштириш истиқболлари.....	31
3.1 Ижтимоий –экологик районлаштириш.....	31
3.2 Вилоятни ижтимоий –экологик оптималлаштириш истиқболлари.....	45
Хулоса.....	52
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	54
Илова.....	59

КИРИШ

Бугунги кунда дунё ҳамжамиятини ташвишга солаётган глобал муаммолардан бири бу—экологик муаммолардир. Фан ва техника имкониятларига эга бўлган 7 миллиардга яқин киши табиатга жуда катта куч билан таъсир кўрсатишяпти. Натижада атроф мухит ифлосланиб, табиий ресурсларнинг ҳолати ёмонлашиб, инсоният учун ноқулай экологик вазиятларни вужудга келтирмоқда. Бу муаммолар кескин тус олиш асносида ер юзи аҳолисининг соғлом турмуш кечириши қийинлашмоқда. Ушбу муаммолар ўз-ўзидан пайдо бўлмаяпти, балки, уларни жамият аъзоларининг ўзлари содир этмоқдалар. Сабаб шундаки, инсоният улкан энергия ва техникага эга бўлиб, табиат манбаси ҳисобидан ўзининг ҳаётини яхшилаш учун кураш олиб бормоқда. Лекин инсоният бу курашда ҳамиша ҳам оқилона, табиат қонунларини билган ҳолда ва унга риоя қилиб эмас балки, баъзан нотўғри, табиат қонунларига зид равишда таъсир этиши салбий оқибатларга олиб келмоқда. Табиатдаги бутун борлиқ бир- бирига бевосита боғланган экологик тизимдир. Инсонларнинг табиатга эътиборсизлиги туфайли озон туйнугининг емирилиши, ҳар хил газлардан ифлосланаётган атмосфера ҳавоси, ҳайвонот ва наботот оламининг қирилиб бораётган ноёб турлари ҳамда тоза ичилик суви каби муаммолар юзага келди. Агарда инсониятнинг табиатга нисбатан бундай хатти ҳаракати тўхтовсиз равишда давом етаверса, эртага ўзи учун балки, келажак авлод учун ҳам аянчли оқибатларни келтириб чиқараверади.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг, мамлакат аҳолисининг соғлигини сақлаш билан боғлиқ ҳозирги ўтиш даврига хос бўлган мавжуд муаммоларни бартараф этиш долзарб вазифалардан бирига айланди. Чунки, инсон саломатлиги жамият тараққиётининг ҳар бир даври учун кечиктириб бўлмайдиган вазифалардан бири ҳисобланган. Қолаверса, асрлар давомида кишилиқ жамиятининг мислсиз ривож топиб бориши аҳоли саломатлигини чекловчи ва унга хавф туғдирувчи янгидан-янги

муаммоларни вужудга келтирмоқда. Уларнинг ечими эса бугунги кунда бутун инсониятни ларзага солувчи оламшумул аҳамият касб этмоқда. Айниқса, табиий муҳитга хавф солувчи экологик фалокатларнинг авж олиб бораётганлиги барчамизга яхши аён.

Мавзунинг долзарблиги Даврлар мобайнида атроф-муҳитнинг ифлосланганлик даражасини тобора ортиб бораётганлиги кишилар ҳаёт фаолиятига салбий таъсир кўрсатиб турли-хил касалликларни вужудга келтирмоқда. Шу нуқтаи назардан аҳоли саломатлиги билан боғлиқ муаммоларни таҳлил қилиш, келажаги буюк давлатни қурувчи жисмонан ва маънавий соғлом авлодни етиштириш ушбу масалаларни илмий жиҳатдан асослаш ва ўрганишни талаб қилмоқда. Айнан ана шундай долзарб муаммолар ечимиде иқтисодий ва ижтимоий экологиянинг ўрни ҳам мавжуд. Мазкур муаммолар ечими саломатликнинг атроф табиий муҳит сифатига боғлиқлигини ёритиб берар экан, уларнинг ўз-ўзидан экологлар тадқиқ этувчи мавзулардан бири эканлигини англатади.

Таъкидлаш жоизки, республикамиз мустақилликка эришган бир шароитда халқимиз саломатлиги ва уни муҳофаза қилиш масаласи энг долзарб мавзулардан бири бўлиб қолмоқда. Бу борада мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва уни давлат томонидан янада чуқурроқ назорат остига олиш мақсадида қатор қонун ва дастурлар ишлаб чиқилмоқда. Маълумки, аҳоли саломатлиги, ўлим ва хусусан болалар ўлимининг камайитириш асосида ўртача умр кўриш муддатини ошириб бориш ҳар қандай давлатнинг ҳам ижтимоий сиёсатида устувор аҳамиятга эга. Зеро, айнан ана шу кўрсаткичлар мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини акс эттирувчи бош мезонлардан энг муҳими сифатида жаҳон миқёсида эътироф этилган. Қолаверса, Ўзбекистонда 2005 йилни «Сихат-саломатлик йили» деб қабул қилиниши ҳам ушбу муаммонинг нақадар долзарблигидан далолат беради. Чунки тани сихат, соғлом, билимли, ақлли, юксак фазилатли, маънавияти пок, бой ва баркамол ёшларгина мустақил мамлакатимиз истиқболини белгилаб беради.

Бу ишни ёзишдаги вазифалар:

-Бухоро вилоятининг табиий шароити ва уни бузилганлик даражасига баҳо бериш .

-Бухоро вилоятидаги ижтимоий экологик муаммоларни ўрганиш ва баҳолаш

-Аҳоли саломатлигига табиий муҳит ҳолатининг таъсирини аниқлаш

-Бухоро вилоятини ижтимоий экологик районлаштириш ва олптималлаштириш истиқболларини бериш

-Аҳоли саломатлиги билан боғлиқ муаммоларни таҳлил қилиш, илмий жиҳатдан асослаш ва ўрганиш

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда мазкур **илмий ишнинг мақсади** атроф табиий муҳит сифати ва аҳоли саломатлиги, аҳоли касалланишининг ҳудудий жатларини Бухоро вилояти мисолида кўриб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг мақсади: Асосий мақсадимиз атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигини бир-бирига боғлиқ ҳолда ўрганиш ва улар ўртасидаги қонуниятли боғланишни Бухоро вилояти мисолида тадқиқ этиш.

Текширишни материали ва методи: Материаллар асосан 2010-2011 йил сентябр-октябр ойида малакавий битирув иши амалиёти вақтида йиғилган шахсий гербарилардан ҳамда “Ботаника ва ўсимликлар физиологияси” кафедрасидан сақланаётган гербарий материалларидан фойдаланилди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси ва илмий янгилиги:

Ушбу ишнинг илмий янгилиги шундаки , Бухоро вилоятини экологик нуқтаи назардан таҳлил қилиш асосида бугунги кунда мамлатимиз ва унинг бошқа минтақаларидаги мавжуд экологик вазият, атроф табиий муҳит сифати ва бунда алоҳида ўрин тутувчи ўчоғлари батафсил ўрганилди. Ушбу диссертация ишини ёзишда Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси ва Бухоро вилояти статистика бош бошқармаси

маълумотларидан ҳамда мазкур йўналишда нашр этирилган махсус илмий адабиётлардан фойдаланилган

I БОБ Бухоро вилоятининг табиий шароити ва унинг бузилганлик даражаси

1.1 Бухоро вилояти табиий шароити Бухоро вилояти ҳудуди Турон паст текислигининг жанубида, Зарафшон дарёсининг қуйи қисмида жойлашган бўлиб, ҳамма томондан чўллар билан ўралган. Унинг табиий географик тузилиши бир-биридан кескин фарқ қилувчи икки йирик табиий минтақадан: жануби-ғарбий Қизилқум чўллари ва қадимдан Зарафшон дарёси вужудга келтирган Бухоро-Қорақўл воҳаларидан ташкил топган.

Бухоро вилояти ҳудуди асосан пасттекисликлардан иборат, унинг ўртача мутлоқ баландлиги 222,5 м. бўлиб, ер юзаси шимоли-шарқдан жануби-ғарбга томон пасайиб боради. Бу эса ҳудудда ўзига хос экологик вазиятни вужудга келтиради, яъни бунда вилоятнинг юқори (шимоли-шарқий) қисми қуйи (жануби-ғарбий) қисмига нисбатан ўзининг иқлим, тупроқ, сув таркиби ва бошқа жиҳатлари билан сезиларли ҳолатда фарқланади. Чунки, жойларнинг баландлиги денгиз сатҳи нисбатан пасайиб борган сари уларда ҳавонинг айланма ҳаракати, ер ости ва ер усти сувларининг хусусиятлари ҳам ўзига хос тарзда ўзгариб боради. Вилоятнинг жануби-шарқий қисмида узоқ даврлар давомида Зарафшон дарёси ҳосил қилган узунлиги 102 км, ўртача кенглиги 50-55 км бўлган Бухоро ҳамда узунлиги 48 км, ўртача кенглиги 25 км Қорақўл дельталари жойлашган. Мазкур ҳудудлар бугунги кунда вилоятнинг аҳоли яшайдиган асосий районлари, маданий ландшафтлари ҳисобланади.

Воҳалар ясси юзали террассасимон суғорма майдонлардан иборат ва улар кишиларнинг асрлар давомидаги фаолияти маҳсулидир. Воҳа рельефнинг умумий нишоблиги дарё оқимиға томон пасайиб боради, яъни мутлоқ баландлик Бухоро воҳасида 466 м бўлса, Қорақўл воҳасида у 288 м.ға етади. Унинг табиати Зарафшон дарёси билан узвий боғлиқ. Гарчи воҳа ўз

табiiй шароитига кўра атрофдаги чўлларга жуда ўхшаш бўлсада, ўзининг иқлими, гидрологик хусусиятлари, тупроғи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси билан улардан тубдан фарқ қилади.

Ўзбекистоннинг чўл зоналари воҳалари учун кескин континентал иқлим, қисқа, лекин совуқ қиш-узоқ давомли ва иссиқ ёз, ҳавонинг ўта куруқлиги, ҳароратдаги катта фарқланиш каби ҳолатлар ҳосдир. Ҳудуд иқлими ўзининг кам булутлилиги, ёғин-сочиннинг тақчилиги, юпқа қор қатламининг мавжудлиги билан тавсифланади.

Воҳалар ўзига хос хусусиятлари билан атрофдаги чўллардан алоҳида ажралиб туради. Улар ички ҳавзага кирадиган ўлкалардан ҳисобланиб, мўътадил иқлим минтақасидан субтропик иқлим минтақасига ўтиш чегарасида жойлашган. Бу эса географик жиҳатдан иқлимнинг шаклланишига ўз таъсирини кўрсатади. Ўлка иқлими ёзда тропик, қишда эса шимолий, мўътадил кенгликлардан келадиган совуқ ҳаво оқимлари таъсирида юзага келади.

Вилоят куйи географик кенгликларда жойлашганлиги сабабли қуёшнинг ёритиш даври ҳам анча узоқ давом этади. Бухорода ўртача қуёш нур сочиб турадиган давр бир йилда 2960-3030 соат атрофида бўлади ва бу Самарқандга нисбатан 50-100 соат кўпдир. Ойлар бўйича олганда, июл ойида 90-92 % энергияни олади. Чунки, бу ойда булут деярли бўлмайди.

Қуёшдан келадиган радиациянинг ялпи миқдори 150-160 ккал.га тенг. Энг юқори радиация ёз ойларида кузатилади (июн-19,7, июл-20,4, август-18,7 ккал/см²). Вилоятнинг чўл қисмида июн-июл ойларида бир кунда келадиган радиациянинг миқдори 0,65-0,75 ккал/см². Воҳаларда эса радиация 1 ккал/см² гача этади. Ер юзасига етиб келадиган ялпи радиациянинг маълум қисми ютилиб, иссиқликка айланади. Воҳалар қуёшдан оладиган энергиядан ташқари, атрофдаги чўллардан ҳам бир миқдорда иссиқлик олади. Бу олинган радиация тупроқ, сув ҳамда ҳавонинг исиш ва буғланиши учун сарфланади. Агар кўлларга тушган радиациянинг деярли барча қисми ҳавонинг исиши учун сарфланса, воҳаларда ўсимлик ва сув ҳавзалари

кўплиги туфайли унинг асосий қисми ҳавонинг исиши ва буғланишга кетади. Чўлга нисбатан воҳалар келган иссиқликни буғланишга 2-2,5 марта кўпроқ сарфлайди.

Вилоят иқлимига кутб, мўътадил ва тропик ҳаво оқимлари ўз таъсирини кўрсатади. Ана шу ҳаво оқимлари фаолиятида ҳудуд об-ҳавоси юзага келади.

Куйи Зарафшонда ҳавонинг ўртача йиллик ҳарорати $14,2-15,1^{\circ}\text{C}$ га тенг. Ҳавонинг ўртача ойлик ҳарорати энг совуқ ой-январда ўртача $0,0^{\circ}\text{C}$ дан (Бухорода) $2,1^{\circ}\text{C}$ (Оёқ-Оғитма)гача фарқ қилади. Бухоро вилояти совуқ ойлар ҳароратининг йиғиндисига ($150-250^{\circ}\text{C}$ гача) кўра юмшоқ иқлимли ҳудудлардан биридир. Лекин, шуни эътиборга олиш лозимки, вилоятда энг паст ҳаво ҳарорати декабр ойида -28°C , январда -29°C ва феврал ойида эса -24°C гача етади. Қаттиқ совуқларга сабаб бўлувчи омиллар: кутб ва сибир антициклони совуқ ҳаво оқимларининг қиш фаслида вилоят ҳудудига кириб келишидир.

Ҳавонинг энг юқори ҳарорати ёз фаслида воҳаларда $45-46^{\circ}\text{C}$ гача кўтарилади. Ана шундай ҳароратли кунларда сув кўп буғланиши сабабли ўсимликлар бардош беролмасдан ҳосилини тўкади, тирик организмлардаги, жумладан, кишилар жисмидаги ҳаётий жараёнларнинг бориши анча қийин кечади. Ҳаво ҳарорати 40°C гача бўлган кунлар май ойидан сентябр ойигача давом этади.

Ҳаво ҳарорати паст бўлганлигидан мутлоқ намлик қишда вилоятнинг барча қисмида паст кўрсаткичларга эга бўлади. Январ ойида мутлоқ намлик Бухорода 9 мм, Қорақўлда 8,7 мм га тенг. Ҳаво ҳарорати юқори бўлган ёз ойларида эса мутлоқ намлик воҳаларда 13-15 мм, чўлларда 10-12 мм атрофида бўлади¹. Нисбий намлик эса йилнинг салқин даврларида катталашади. Айниқса, декабр ва январ ойларида у 74-76 фоизни ташкил қилади. Ҳавода нисбий намлик энг камайган давр июн-июл бўлиб, унга умумий ёғингарчиликнинг 30-35 фоизи тўғри келади.

Маълумки, нисбий намлик 30 фоиздан паст бўлган ҳаво қуруқ ҳаво ҳисобланади. Чўл ва воҳаларда бундай кунлар бир йил давомида ўртача 200-205 кунгача бўлиши аниқланган. Ёз ойларида воҳада 23-28 фоиз, чўлларда 28-32 фоизгача, ҳатто айрим кунлари 10 фоизгача пасайиб кетади. Бундай кунларда ҳаво жуда қуруқ бўлади, бу эса чўл зонасида қум кўчиш ҳолларини вужудга келтиради ва чанг-тўзонли шамолларни юзага келишига сабаб бўлади. Баъзан бундай шамоллар воҳаларга ҳам кириб келади. Улар ўсимликларни ривожланишига салбий таъсир кўрсатади, тупроқ ва сувларнинг шўрланишини оширади, ўсимлик, ҳайвонот олами ва инсонлар саломатлигига катта зарар етказади.

Умуман, ҳавонинг ўртача йиллик нисбий намлиги 52-56 фоиз атрофида бўлади. Ёз фаслида ҳаво ҳароратининг юқори бўлиши нисбий намликнинг кундуз кунлари пасайиб кетишига олиб келади. Мазкур ҳолат эса гармсел шамолларни юзага келтиради. Нам танқислиги энг кучайган июл ойида босим Қорақўлда 75 мб, Бухорода 69 мб.га тенг бўлиб, бу даврда ҳарорат 40⁰С дан ошиб кетади. Бундай табиий офатлар йил давомида Қорақўлда 25-30, Бухорода эса 10-12 марта такрорланади.

Гармсел шамолининг тезлиги 15-20 м/сек бўлиб, ҳавога чанг-тўзон кўтарилади. Гармсел узоқ давом этган йилларда шўрланган ва қум босган ерлар кенгаяди, ҳатто ер шарида шундай офатлар туфайли айрим даврларда аҳоли ва чорва моллари кўплаб қирилиб кетган.

Ушбу ҳудудлар ёғин кам ёғадиган, қурғоқчил ўлкалар қаторига киради. Йиллик ўртача ёғин миқдори 104-105 мм атрофида. Вилоятнинг шимоли-ғарбидан жануби-шарқига томон ёғин аста-секин ортиб боради. Бунинг асосий сабаби вилоят ҳудуди баландлигининг ортиб боришидир. Вилоятда ёғадиган ёғинларнинг 80-90 фоизга яқин қисми баҳор ва қиш фаслига тўғри келади. Йил давомида энг кўп ёғин ёғадиган ой март ойдир. Бу ойда ёғин миқдори ўртача 20-35 мм, энг кўп ёғин ёғадиган йилларда эса 80-120 мм.га етади. Июнь ойидан сентябргача ёғин жуда кам ёғади ва йиллик ёғиннинг бор-йўғи 2-4 фоизи шу даврга тўғри келади.

Вилоятда йиллар ва ойлар давомида ёғин миқдори ўртача 128 мм атрофида, энг кам ёғин ёққан йиллар шу кўрсаткичдан 2-3 марта кам. Жумладан, Қорақўлда 43 мм (1947 й) ва Когонда 58 мм (1937 й) кузатилган. Баъзи йилларда йиллик ёғин миқдори икки ёки ундан ортиқ ҳисса кўп бўлади. Масалан, унинг миқдори Қорақўлда 198 мм (1958 й), Когонда 226 мм (1931 й)га етганлиги кузатилган. Қор қоплами йиллик ёғиннинг ўртача 10-15 мм.га тўғри келади. Вилоятда қор қоплам ҳосил қилсада, лекин у узок сақланмайди. Унинг ўртача қалинлиги йилига 6-10 мм ни ташкил этади.

Умуман, вилоятда ўртача ёғин миқдори 130 мм бўлиб, йиллик намликка бўлган талабнинг 30 фоизи қондирилади ва шу сабабли бундай ҳудудлар экстраарид (ўта қуруқ) иқлимли ўлкалар қаторига киритилади.

Бухоро вилояти ҳудудида шамоллар асосан шимолий ва ғарбий йўналишда эсади. Ўртача йиллик шамол тезлиги 3,0 м/сек ни ташкил этади. Бир йилда тезлиги 15 м/сек ва ундан кучли шамоллар 5-6 маротаба эсади. Доимий равишда кундуз куни воҳалардан чўлларга, кечкурун эса чўллар юзасидан воҳаларга шамоллар эсиши кузатилади. Йил давомида ўлкада шамолсиз кунлар ҳам бўлади. Улар вилоятда 10-16 кунни ташкил қилади. Шундай кунларда саноат объектлари ва автомобил қатнови зич ва, айниқса, темир йўл тугунларида жойлашган ҳудудлар ҳавоси жуда ифлосланади. Бунинг оқибатида мазкур ҳудудлар аҳолиси саломатлигига сезиларли зарар етказилади.

Воҳа иқлим шароитидан келиб чиқиб шуни таъкидлаш лозимки, ўлка иқлими ўта қуруқ. Йил давомида шамолсиз дим ҳаволарнинг кузатилиши эса атмосферада газ ва чанг зарраларини тўпланишига, аҳоли манзилгоҳлари ҳавосининг ифлосланишига олиб келади. Мазкур ҳолатлар, хусусан, шаҳарлар, шунингдек, саноат ва транспорт шаҳобчалари зич ҳудудларда яққол намоён бўлади.

Инсоннинг хўжалик фаолияти таъсирида атмосфера ҳавоси ифлосланиб, унинг газ таркибида ўзгаришларнинг рўй бериши тобора ортиб бормоқда. Вилоят ҳавосининг ҳар метр кубда табиий ва сунъий йўл билан

ҳосил бўлган 2,8-3,6 мг.гача чанг мавжуд. Ҳаводаги майда, қаттиқ заррачаларнинг миқдори кейинги 15-20 йил мобайнида 3-5 фоизга ортганлиги аниқланган.

Вилоят табиатини муҳофаза қилиш ташкилоти маълумотларига кўра, мавжуд саноат корхоналари, автомобил ва бошқа техника воситаларидан ҳавога чиқариладиган чанг, қурум ва ҳар хил заҳарли газлар аҳоли жон бошига тақсимланганда ўртача 240-260 кг ни ташкил қилади ёки вилоят бўйича йилига тахминан 400 минг тоннага яқин.

Шамолсиз давр вилоятда 5-37 кунгача такрорланади, оқибатда ифлос ҳавонинг узоқ вақт туриб қолиши натижасида зарарли чанг ва газлардан иборат туманли ҳолат юзага келади. Вилоят шаҳарларида булутли, туманли кунлар сони кўпроқ бўлганлиги туфайли уларга атрофдаги ҳудудларга нисбатан қуёш радиациясининг миқдори анча камроқ тушади. Ҳаводаги карбонат ангидрид ультрабинафша нурларининг ер юзасига ўтишига тўсқинлик қилади. Ваҳоланки, бундай нурлар эса инсон саломатлиги учун жуда зарурдир. Бухоро, Когон, Қоровулбозор ва Ғиждувон каби саноат марказларида инсон ҳаёти учун зарур бўлган ультра бинафша нурларининг учдан бир, қишлоқларда эса бешдан бир қисмини ҳаводаги чанг ва тутун тўсиб қолади (Нуров, 1993).

Саноат корхоналари ва автомобиллар қатнови зич бўлган Бухоро ва нисбатан кичикроқ Қорақўл шаҳарларини таққослаб кўрсак, туманли кунлар биринчисида ўртача 16, кўпи билан 32 кун, иккинчисида эса 11 кундан 24 кунгача кузатилади. Худди шундай иқлимнинг бошқа таркибий қисмлари бўйича фарқ Бухоро ва унга туташ жойларда яққол сезилиб туради.

Маълумки, тоза ичимлик сув муаммоси вилоят аҳолисининг азалий орзусидир. Тарихий манбаларга кўра, айниқса, хонликлар даврида ва ундан олдинроқ ҳам ўлкада кўплаб ҳовуз ва сардобаларда сақланган сувни истеъмол қилиниши оқибатида минглаб кишилар қирилиб кетганлар. Чунки ҳудудда мавжуд сув ҳавзаларининг сувлари узоқ вақт давомида янгиланмас, натижада улар ҳар-хил юқумли касалликлар келтириб чиқарувчи манбаларга

айланиб қолар эди. Захириддин Муҳаммад Бобурнинг ёзишича, ёз ойларида Зарафшон дарёсининг суви Бухорога етиб бормаганлиги туфайли аҳоли ховуз суви билан таъминланган ва бу ховузлар суви ёзда икки ҳафтада бир марта тўлдирилган, холос. Баъзи йиллари сувлар ўзгартирилмасдан, аҳоли орасида турли хил хасталиклар, энг аввало дахшатли ришта касаллигини кенг тарқалишига сабаб бўлган. Оқибатда Бухоро аҳолисининг 20 фоизидан ортиқроғи мазкур касалликка чалинган эди (Ўзбекистон энциклопедияси)

Табиий омиллар	Хусусияти	Табиий шароитининг экологик таҳлили
Рельефи	Текислик	Бундай шароитда ҳавонинг эркин ҳолати кузатилади. Мазкур ҳудуд ер ости ва ер усти сувларининг ҳаракатланиши учун қулай.
Иқлими	Кескин континентал	Вилоят ҳудудининг асосий қисми чўллардан иборат бўлиб, ҳаво ҳароратининг ўта иссиқ ва қуруқлиги кузатилади. Ҳатто, ёз ойларида чўлларда ҳарорат 50 ⁰ С дан ҳам ортиб кетади. Шунингдек, воҳалар иқлими ҳам чўллардаги каби кескин континентал хусусиятларга эга. Ҳароратдаги фасллар бўйича йиллик фарқланишнинг сезиларли даражада катталиги, иқлимнинг экстрааридлиги туфайли айниқса, ёз ойларида аҳоли орасида қон томирларининг кенгайиши, юрак фаолиятининг издан чиқиши, офтоб уриши ҳоллари кўплаб учрайди. Қиш фаслида эса ҳавонинг ўта қуруқ ва совуқлиги, ёғинларнинг тақчилиги кишилар жисмида борадиган модда алмашинув жараёнига ўз салбий таъсирини кўрсатади.
Сувлари	Хлорид-кальций натрийли	Сувларининг ифлосланиш даражаси юқори. Истеъмол учун яроқсиз. Турли-хил юқумли ичак ва бошқа турдаги юқумли хасталикларни тарқалишида сув муҳим омил ҳисобланади.
Тупроқлари	Чўл ва воҳа	Вилоятда қўнғир тусли сур, қумли тақир, тақир тупроқ ва шўрҳоқлар кенг тарқалган. Тупроқларнинг шўрланиш даражаси юқори.
Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси	Чўл ва воҳа	Вилоят ҳудудида чўл ва воҳа шарт-шароитларига мос ҳолда, хусусан, ксерофидларни кўпгина турлари: саксовул, янтоқ, сингрена, черкез ва бошқа турдаги ўсимликлар кенг тарқалган. Уларнинг кўпчилигидан табобатда турли хил дори-дармонлар олишда фойдаланилади. Жумладан, вилоятда кўп учровчи черкез ўсимлигидан қон томирларини кенгайтирувчи, марказий асаб тизимини тинчлантирувчи восита сифатида фойдаланилади. Ҳайвонот дунёсида ҳам чўл табиатини таъсири сезиларли. Чунончи, вилоятда кемирувчиларнинг, судралиб юрувчи ва сут эмизувчилар синфининг кўплаб вакиллари учрайди. Айниқса, улар орасида кемирувчиларнинг баъзи вакиллари айрим юқумли хасталикларни тарқалишида муҳим ўрин тутди.

Бухоро вилояти табиий шароитига умумий экологик тавсиф

1.2 Табиий шароитнинг бузилганлик даражаси

Мустақилликка эришгач, Ўзбекистон табиий ресурсларининг nobarqaror бошқаруви билан боғлиқ мураккаб экологик муаммолар, шунингдек, коммунал, саноат манбаалари ва суғориладиган майдонлардан қайтган оқава сувлар натижасида вужудга келган юқори ифлосланиш даражасини мерос қилиб олди. Техника тараққиёти, бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан бир қаторда кичик саноат корхоналари, цех, шахобчалар қурилиши, қолаверса, табиий бойликлардан меъёридан ортиқ фойдаланиш атроф-табиий муҳитга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилдаги 111-сонли “ Ўзбекистон Республикаси атроф табиий муҳитининг давлат мониторинги тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш тўғрисидаги қарорига биноан “Атроф табиий муҳитининг давлат мониторинги, атроф табиий муҳитининг ифлосланиш даражасини аниқлаш, унинг ҳолатини баҳолаш, салбий жараёнларни прогноз қилиш ва уларнинг салбий оқибатларини бартараф этиш мақсадида бошқа антропоген таъсири ва табиий ресурслардан фойдаланиш туфайли табиий муҳитнинг ифлосланиш ҳамда бошқа зарарли таъсирларга учраши мунтазам кузатиладиган ва тасдиқланган дастур бўйича бажариладиган тизим ҳисобланади.

Ҳозирги даврга келиб, экологик nobarqarorлик ўчоқлари барча вилоятларда мавжуд. Биз ўрганаётганимиз Бухоро вилоятида атроф- муҳит муаммолари орасида қуйидагилар катта аҳамиятга эга.

Ерларнинг шўрланганлиги-суғориладиган ерларнинг иккиламчи шўрланиши аэрация зонасида айниқса шўрланган сизот сувлар яқин жойларда шўр босиш жараёнларининг кучайиши, тузларнинг суғориладигин сувлар билан бирга келиб тушиши, туз ва чанг ташувчи табиий ҳодисалар пайтида шўр босиши натижасида рўй бераётир. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасидаги шўр босган суғориладиган ерларнинг майдони умумий суғориладиган ер майдонининг 52 фоизини ташкил қилади, шу жумладан ерларнинг 18 фоизи ўртача ва кучли шўрлангандир. Жумладан, Бухоро вилоятида тупроқ айниқса кўп шўрланган (96%).

Ерларнинг шўрланиш даражасини пасайтириш эксплуатацион ва капитал шўр ювиш ишлари ўтказилмоқда. Шўрланган ер майдонларининг кўпайиши умуман олганда суғориш тизимлари фойдали иш коэффициентининг пастлиги билан боғлиқ (Бухоро вилоятида-0.58).

Бугунги кунда **Бухоро** вилоятида 50-60 минг гектаргача суғориладиган ерлар қоникарсиз мелиоратив аҳволда.(БМТнинг иқлим ўзгариши...биринчи миллий ахбороти. 2-фаза. 2001й 60 бет)

Тупроқ шўрланиши даражаси бўйича суғориладиган ер фондининг бугунги кундаги ҳолати (суғориладиган майдонларга нисбатан % да)

Вилоятлар	Тупроқлар шўрланиши	%
	Жами шўрланган	Шу жумладан ўрта ва кучли шўрланган
Қорақалпоғистон	90.0	38.9
Андижон	9.2	4.6
Бухоро	95.7	37.6
Жиззах	97.9	39.3
Қашқадарё	47.9	13.2
Навоий	86.9	33.5
Наманган	23.6	4.1
Самарқанд	3.6	1.4
Сурхондарё	42.9	16.5
Сирдарё	83.1	30.9
Тошкент	2.4	0.4
Фарғона	52.3	27.0
Хоразм	100	53.1
Ўзбекистон	52.2	18.4

(Ўша китоб)

Биобарин, иқлимий шароитларнинг ўзгариши натижасида шўрланган

ер майдонлари ва шўрланиш даражасининг ортиш тенденцияси юзага келади. Буғланишнинг ортиши ва циркуляцион жараёнлардаги ўзгаришлар муносабати билан яқин 20-30 йил мобайнида Орол денгизининг қуриб бораётган майдонларидан туз кўчишининг кучайиши кузатилади. Бу олганда экинларнинг ҳосилдорлиги пасайишига ва туз кўчиш таъсир зоналари, биринчи навбатда Оролбўйи, Хоразм ва **Бухоро** вилоятларида тупрок шўрланишининг ортишига олиб келади.


Биргина **Бухоро** вилоятининг ўзида туз кўчиш ўчоқлари 120 км² ни ташкил қилади. Бухоро вилояти ҳудудидаги шамол таъсири остида кўчадиган тузларнинг умумий массаси йилига 167136 тоннани ташкил қилиб, шундан 13.8 тоннаси атмосферага шўрхок ерлардан тарқалади.

Бу экологик хатар, аввало, экин майдонларининг яроқсиз ҳолга келтирибгина қолмай, Бухоро вилоятидаги асрий обидаларнинг тураржой ва турли иншоотларнинг емирилишига сабаб бўлаётгани, энг ёмони, аҳоли саломатлига салбий таъсир кўрсатаётганини яхши биламиз.(Каримов И.А.Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз.)



Атмосфера ҳавосининг ифлосланганлиги - вилоят иқлими қуруқ зонада жойлашган. Йирик шаҳарлар шу жумладан, Бухоро шаҳарларида ҳаво ифлосланишининг 80% дан ортиғи автотранспорт ҳиссасига тўғри келади.(Х.Т. Турсунов, Т.У.Рахимова Экология Т-2006. Охирги беш йиллик даврда вилоятда ифлослантирувчи моддалар сақловчи 24 ингредиентдан биттаси бўйича: **чанг** –Андижон, **Бухоро**, Когон, Қўқон, Навоий, Нукус ва Тошкентда салбий таъсир чегарасидаги концентрациясидан (СТЧК ў.с.) ортиқлиги, яъни, 1дан 3.3 гача СТЧК ў.с. қайд қилинди. (Саноат экологияси Д. Ёрматова Т-2007 65 бет)

Республика шаҳарлари бўйича атмосфера ҳавоси ифлосланиши даражасининг 19 йиллик (1988-2007) таҳлили кўрсатишича, бутун таҳлил қилинган давр мобайнида Бухоро вилоятининг атмосфера ҳавосининг чанг билан юқори ифлосланиши кузатилди. (Миллий



- Теплоэнергетика
- Автотранспорт
- Черная металлургия
- Производство строительных материалов
- Цветная металлургия
- Нефтепереработка
- Химическая промышленность

маъруз

а 25 бет)

- **турғун ифлослантирувчи манбаалар:** Турғун манбаалардан атмосфера ҳавосига 150 дан ортиқ ифлослантирувчи моддалар ташланади. Булар ташланмаларнинг асосий қисмини ташкил қилувчи қаттиқ моддалар (жумладан, оғир металллар, ванадий беш оксиди, бензапирин, олтингугурт диоксиди ва озон, метилмеркаптан, форфорли ангидрид, мишьяк ва бошқа) ўзига хос юқори токсик зарарли моддалар ташланмаларидир.

- **Кўчма ифлослантирувчи манбаалар:** Бундай ифлослантирувчи манбааларга автомобиль транспорти, қишлоқ хўжалиги транспорти, темир йўл транспорти ва бошқа кўчма манбаалар мисол бўлади.

	1999		2001	2002	2003	2004
Стационар(турғун) манбаалар	776.9	755.5	711.8	729.4	672.6	646.5
Ҳаракатлантирувчи	1520.0	1593.0	1583.5	1453.0	1348.6	310.9

манбаалар						
Жами	2296.9	2348.5	2250.3	2182.4	2021.1	1957.4

Ўзбекистон Республикаси бўйича ифлослантирувчи модда ташланмаларининг динамикаси,
1999- 2004 йиллар(минг тонна)

• **Атмосфера ҳавосининг трансчеравий ифлосланиши:** 1979 йилда қабул қилинган БМТ Европа иқтисодий комиссияси (ЕИК) Атмосфера ҳавосининг узоқ масофаларда трансчегаравий ифлосланиши тўғрисидаги Конвенциси атмосфера ҳавосини ифлослантиришга қарши курашишда ҳамкорликдаги дастурлар учун асос яратди. Конвенция атмосфера ҳавосини ифлослантириш ва унинг минтақавий даражадаги оқибатларин ўрганиш ва мониторинги ҳамда чиқиндиларни камайитириш стратегиясини ишлаб чиқиш соҳасидаги ҳаракатларни бирлаштиришни таъминловчи асосий халқаро келишувлардан бири ҳисобланади. (Миллий маъруза)



Тоза ичимлик суви танқислиги-

Хлоридлар, сульфатлар ва биоген моддаларнинг юқори даражали концентрацияга эга бўлиши Бухоро вилоятига хос хусусият эканлини А.И.Киселёв 1931 йил таъкидлаб ўтган.(Экология хабарномаси. №11/11\2010)

Сув реакцияси (рН) 7.8-8.2 .Сувдаги оксидланиш жараёни 7.95 мг\л ни ташкил қилади. Умумий минераллашув ўртача 10-12 г\л га яқин.



Сувларнинг ифлосланиш даражаси юқори . Истеъмол учун яроқсиз

Сув ҳавзларининг радиоактив моддалар билан ифлосланиши.

Сувда ривожланувчи организмлар—планктон, молюскалар , сув ўтлари ва бошқалар ўзида радиоактив моддаларни кумуляция қилиш хусусиятига эга. Бу ўз йўлида сув ҳавзларининг радиоактив моддалар билан ифлосланишига олиб келади.(Гигиенадан амалий машғулотлар С.С.Солихўжаев)

Бухоро вилоятидаги ҳозирги аҳволини қониқарли даражада деб бўлмайди. Айниқса, бу ҳолат Қорақўл, Олот, Ромитан сингари туманларда кўнгилдагидек эмас. Воҳаларда тупроқларнинг пестицидлар билан ифлосланиш даражаси 1 гектарда 5,0-10,0 кг.-ни ташкил этади.

Мавжуд маълумотларга қараганда, республикамизда ҳар йили 120-140 минг киши ўтқир юқумли ичак касалликлари билан касалланади. Бу кўрсаткич Бухоро вилоятида ҳам анча юқори. Чунончи, бундай касалликлар вилоятдаги чиқинди сувлар ташланадиган зовурлар яқинида, яъни воҳанинг ғарбий қисми аҳолиси орасида кенг тарқалган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб қуйидагича хулоса қилишимиз мумкин:

■ Бухоро вилояти Ўзбекистоннинг жануби-ғарбида, Зарафшон дарёсининг қуйи қисмида жойлашган бўлиб, унинг майдонини асосий қисми чўллардан иборат;

■ Вилоят табиатида чўлнинг таъсири етакчи ўрин тутди. Гарчи воҳалар табиатида чўл ҳудудларига нисбатан фарқланиш мавжуд бўлса-да, лекин айнан чўл шароитлари учун ҳам барча жиҳатлар уларда мужассам;

■ Иқлимнинг ўта қуруқлиги (экстраарид) ва иссиқлиги, ёғинларнинг тақчиллиги сингари ҳолатлар аҳоли саломатлигига бевосита ўз таъсирини кўрсатади;

■ Ичимлик сув таркибининг истеъмол учун яроқсизлиги, тупроқлар шўрланганлик даражасининг юқорилиги ҳам ўз навбатида ҳар хил касалликларни келтириб чиқариши эҳтимолдан ҳоли эмас;

■ Вилоятда кенг тарқалган ўсимлик ва ҳайвонот олами вакиллари ҳам мазкур табиий шарт-шароитларга мослашган. Уларни шартли равишда чўл ва воҳа турларига ажратиш мумкин. Вилоятда кўп учрайдиган айрим (черкез, сингрэн, шувок ва б.) доривор ўсимликлардан табобатда турли хил дори-дармонлар олишда фойдаланиш мумкин;

■ Ўлка табиий шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда вилоятда айрим хасталиклар, шу жумладан буйрак, суяк-мускул ва бошқа касалликларни даволашга мўлжалланган шифо масканларини барпо этиш имкониятлари мавжуд.

II-Боб Бухоро вилоятининг ижтимоий -экологик ҳолати

2.1 Бухоро вилоятида ижтимоий экологик муаммолар

Бухоро вилояти ҳудуди азал-азалдан Ўрта Осиёнинг энг қадимги аҳоли масканларидан бири ҳисобланади. Археологик манбаларга кўра, ибтидоий даврларда ҳудуд аҳолиси асосан Зарафшон дарёсининг қуйи қисмида, яъни ҳозирги Шофиркон ва Ромитан туманлари чегарасида жойлашган Мохандарё, Гужайли, Дарёсой сингари манзилгоҳларда яшаганлар. Кейинчалик, иқлимий шароитнинг ўзгариши ва дарё сувининг камайиши билан ушбу ҳудудлар яшаш учун ноқулай бўлиб қолган. Бунинг

натижасида аҳоли яшаш ареали дарё ўзани томон бироз чекинган. Улар Замонбобо, Моҳонқўл, Пойкент қўллари атрофига кўчганлар ва ўтроқлашиб деҳқончилик билан шуғулланганлар.

Вилоятнинг кейинги даврлардаги тарихи ҳам ўзига хос бўлиб, бу асосан Бухоронинг Қоракўл ва сўнгги йилларда бунёд этилган Қоровулбозор воҳалари билан узвий боғлиқдир. Бугунги кунда мазкур воҳалар вилоятнинг аҳоли истиқомат қилувчи асосий ҳудудларидир. Воҳалардан ташқаридаги чекка ҳудудларда эса аҳоли анча сийрак жойлашган бўлиб, кўпроқ қишлоқ хўжалиги билан банд ерларни ўз ичига олади.

8-Жадвал

Бухоро вилояти туман ва шаҳарлар аҳолиси (минг киши)

Шаҳар ва туманлар	1991	1993	1995	1997	2005
Бухоро ш.к.	249,6	256,1	258,1	261,0	260,4
Когон ш.	49,8	51,3	51,3	51,7	53,3
Туманлар:					
Бухоро	85,3	90,1	95,6	99,9	116,5
Вобкент	79,1	85,1	90,2	93,7	106,5
Жондор	97,4	102,5	107,1	112,0	126,8
Когон	51,8	44,9	47,5	49,6	56,6
Олот	56,9	61,2	64,2	67,2	75,8
Пешку	65,7	69,8	74,0	77,5	89,4
Ромитан	84,3	89,2	93,8	96,9	108,4
Шофиркон	98,9	105,5	112,0	117,8	135,7
Қоракўл	94,9	99,9	104,9	110,2	125,3
Қоровулбозор	-	10,1	11,1	11,5	13,7
Ғиждувон	153,6	162,0	170,1	177,6	239,6
Вилоят бўйича	1199,6	1261,9	1315,2	1362,9	1507,6

Жадвал ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Ҳозирги даврда вилоятнинг умумий аҳоли сони 1507,6 минг кишини (1.01.2005 й.) ташкил этиб, у йил сайин тобора кўпайиб бормоқда. Аҳолининг ортиб бориши асосан табиий кўпайиш ҳисобига содир бўлмоқда. Мавжуд

аҳолидан 1059,3 минг кишиси шаҳарларда, қолган 448,2 минг киши қишлоқ жойларда яшайди.

Аҳоли сонининг туман ва шаҳарларда йиллар давомида ўзгаришлар динамикаси шуни кўрсатадики, вилоятнинг Ғиждувон ва Шофиркон туманларида бу жараён сезиларли даражада юқори бўлган. Умуман олганда эса вилоятнинг жами аҳоли сони 1991 йилда 1199,6 минг кишини ташкил қилган бўлса, 2004 йилда бу рақам 1498,9 минг кишига етган. Вилоят аҳолисини ёш таркиби бўйича таҳлил қилганимизда шу ҳодисани гувоҳи бўламизки, жами аҳолисининг 51,6 фоизини катта ёшлилар, 41,6 фоизини болалар ва 6,7 фоизини ўсмир ёшдагилар ташкил қилади. Бундан хулоса қилиш мумкинки, вилоятда катта ёшдагилар салмоғи юқори, бу ҳол эса ҳудудда кўпроқ катта ёшлилар учун хос хасталикларни кўп учрашидан далолат беради.

9-Ҳаҷвал

Аҳолининг табиий ҳаракати (промилле ҳисобида)

Шаҳар туманлар	Туғилиш		Ўлим		Табиий кўпайиш	
	1996	2004	1996	2004	1996	2004
Бухоро ш.	16,5	13,5	5,4	5,1	11,0	8,4
Когон ш.	15,8	17,2	9,3	6	6,5	11,2
Туманлар:						
Бухоро	25,2	18,5	5,0	4,3	20,2	14,2
Вобкент	25,3	18,9	5,2	4,1	20,1	14,8
Жондор	26,9	22,1	5,0	3,9	21,9	17,2
Когон	23,0	17,5	4,7	4,5	18,3	13,0
Олот	27,8	24,6	5,04	4,5	20,1	17,3
Пешку	26,4	23,4	4,8	3,8	21,6	19,6

Ромитан	25,5	19,1	4,8	4,4	20,7	1 4,7
Шофиркон	31,1	21,1	5,0	4,3	26,1	1 6,8
Қорақўл	30,8	22,4	5,7	4,5	25,1	1 7,9
Қоровулбозор	18,0	15,2	4,1	3,4	13,9	1 1,8
Ғиждувон	25,9	21,6	5,8	4,6	19,9	1 7,0
Вилоят бўйича	24,4	23,0	5,4	4,9	19,0	1 9,1

Жадвал вилоят статистика бош бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Бухоро вилоятида саноатнинг ривожланиб бориши шаҳар аҳолисининг кўпайишига олиб келмоқда. Сўнгги йилларда бу ерда бир неча янги шаҳар ва шаҳарчалар вужудга келди (Қоровулбозор, Зафаробод ва бошқалар).

Экологик нуқта назардан аҳоли жойлашуви ҳам катта аҳамиятга эга. Унинг ўртача зичлиги ҳар бир км кв да 34 кишига тенг (республикада эса бу кўрсаткич 56,3 киши). Аммо аҳоли зичлиги вилоятнинг турли ҳудудларда бир хил эмас.

Масалан, у Ғиждувон туманида энг юқори бўлиб, у бир км.квда 47 киши, Вобкентда 44, Шофиркон туманида эса 42 кишини ташкил этади. Айни пайтда қолган ҳудудларда аҳоли ниҳоятда сийрак. Чунончи, Ромитан, Пешку сингари туманларда аҳоли зичлиги атиги 7-8 кишини ташкил қилади, холос. Бундай ҳолат Қорақалпоғистон Республикаси ёки Навоий вилояти каби ҳудуди асосан чўлликлардан иборат бўлган вазиятни эслатади. Вилоят ҳудудида аҳоли зичлигининг турли даражада эканлиги ҳам ўз навбатида аҳоли саломатлигига сезиларли таъсир кўрсатади. Айниқса, аҳоли энг зич бўлган ҳудудларда юқумли касалликларнинг тарқалиш хавфи анча юқори бўлади. Шунингдек, мазкур ҳудудларда аҳолининг тоза ичимлик суви, озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда, санитария-гигиена ҳолатини

яхшилашда ҳам қатор муаммолар юзага келадики, буларнинг барчаси аҳоли саломатлигига ўз таъсирини кўрсатади.

Айрим ҳудудларнинг экологик вазиятини аниқлашда аҳолининг табиий ҳаракати ва энг аввало унинг ўлим кўрсаткичи, жумладан болаларнинг ўлим даражаси катта маъно касб этади. Мавжуд маълумотларга караганда, вилоятда туғилиш ҳар минг киши ҳисобига 23,0; ўлим 4,9; табиий кўпайиш эса 19,1 кишига тўғри келади (2004). Бу республика умумий кўрсаткичларига нисбатан анча паст (туғилиш 20,5; ўлим 5,0; табиий кўпайиш 15,5 промилле).

10-Жадвал

Вилоят туман ва шаҳарларида болалар ўлими

Шаҳар туманлар ва	Болалар ўлими (1 ёшгача бўлган)			
	1996	1997	2000	2001
Бухоро ш.	18,0	18,1	18,1	15,7
Когон ш.	22,0	21,7	11,2	11,9
Бухоро	19,5	21,4	17,9	14,6
Вобкент	22,4	13,1	12,9	7,5
Жондор	19,9	16,6	18	15,8
Когон	20,9	13,5	15,2	8,3
Олот	17,5	21,3	14,8	17,3
Пешку	18,5	15,6	11,9	10,3
Ромитан	15,2	13,8	14	14,1
Шофиркон	18,3	14,3	12,2	12,3
Қоракўл	17,2	19,3	17,2	15,4
Қоровулбозор	13,9	16,1	5,1	4,8
Ғиждувон	18,6	15,7	15	12,6
Вилоят бўйича	18,6	16,8	14,9	14,7
Республика бўйича	24,2	22,8	16,4	16,3

Манба: Вилоят соғлиқни сақлаш бош бошқармаси маълумотлари.

Аҳолининг умумий касалланиш даражаси ҳар 100 000 кишига 47447 кишига тенг (Ўзбекистонда 40502 киши). Ушбу кўрсаткич айниқса Ромитан, Вобкент туманларида, шунингдек, Когон шаҳрида юқори даражада. Аҳолининг ўлим кўрсаткичи ҳам вилоятнинг турли ҳудудларида бир хил

эмас. Бу жараён Когон шаҳрида (6,0) биров юқори (9-жадвал) бўлсада, вилоят аҳолисининг умумий ўлим кўрсаткичи республикага нисбатан анча паст.

Агар туман ва шаҳарлар даражасида болалар ўлими таҳлил қилинса, шу ҳодиса яққол сезиладики, бу кўрсаткичлар ҳам айнан Олот (17,3), Жондор (15,8) туманлари ва Бухоро (15,7) шаҳрида юқорироқ. Бироқ, мамлакатга нисбатан таққослаганда вилоятда болалар ўлимининг анча пастлигини гувоҳи бўламиз (10-жадвал).

Аҳоли саломатлик ҳолатига маълум даражада вилоятда мавжуд ички миграция ҳам таъсир кўрсатади. Хусусан, аҳоли пунктларининг барпо этилиши, янги ерларни ўзлаштирилиши мақсадида кўшни туман ва вилоятлардан аҳолининг кўчиб келиши оқибатида аҳоли орасида хилма-хил касалликлар тарқалиши мумкин.

Аҳолининг вилоят чегарасида бир ҳудуддан иккинчисига кўчиб бориш ҳоллари ҳам улар орасида, баъзи бир юқумли ва юқумли бўлмаган хасталикларнинг кенг тарқалишига сабаб бўлади. Жумладан, қадимдан Қоровулбозор тумани ва унинг атрофидаги ҳудудлар «пендинка», яъни аҳоли орасида «афғон яраси» деб номланувчи айрим касалликларнинг эндемик ўчоғи ҳисобланар эди. Бугунги кунда ҳам шу туман аҳолиси орасида мазкур касаллик бўйича тиббиёт муассасаларига мурожаат қилиш кўп миқдорда учрайди.

Бухоро вилоятида кейинги йилларда саноат тармоқларининг ривожланиши, кўриқ ерларининг очилиши меҳнат ресурсларига бўлган талабни янада оширмоқда. Буларнинг барчаси аҳолини ҳудудий мажмуалар доирасида жойлаштиришни тақозо этади. Вилоят ҳудудида саноат марказлари қаторига Бухоро, Когон, Ғиждувон, Газли ва Қоровулбозор шаҳарларини киритиш мумкин. Бу ерда ҳаммаси бўлиб 115 та давлат корхонаси, 13 қўшма ва 1780 кичик корхона, 55 та ширкат фаолият кўрсатмоқда. Мазкур саноат объектларининг деярли барчаси юқоридаги саноат марказларида жойлашган. Уларнинг кўпчилиги (тўқимачилик, пахта тозалаш, консерва заводи ва бошқалар) энг аввало Бухоро шаҳри ва унинг

атрофида (агломерациясида) тўпланган. Ушбу тармоқларнинг вилоятнинг асосан бир неча ҳудудларида мужассамлашганлиги бу жойларда яшовчи кишилар саломатлигига сезиларли таъсир кўрсатади. Шовқин, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, турли хил нохуш ҳолатлар, шунингдек, вилоят зиёлиларининг ҳам шу марказларда фаолият кўрсатаётганлиги касб ва бошқа турдаги хасталикларни келтириб чиқаради.

Вилоят саноати энг аввало қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, жумладан, пахта ҳам ашёсига ишлов бериш, нефт, табиий газ, турли металл ва қурилиш материалларини қазиб чиқаришга ихтисослашган. Саноатда нефт қайта ишловчи корхоналар ва тўқимачилик корхоналари етакчилик қилади.

Тоғ-кон саноати аҳоли саломатлигига маълум даражада ўз салбий таъсирини кўрсатади. Айниқса, вилоятнинг Қоровулбозор тумани ва унга туташ ҳудудларда бу ҳол янада сезиларли. Чунки, кейинги йилларда туманда Франция билан ҳамкорликда барпо этилган нефтни қайта ишловчи йирик заводнинг ишга туширилиши ўлка табиатига ва бу ерда яшовчи кишилар саломатлигига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Айтиш ўринлики, республикамиз ёқилғи-энергетика мустақиллигини қўлга киритишда мазкур корхонанинг ҳиссаси жуда катта. Лекин даврлар ўтиши билан аста-секин унинг атрофида экологик вазият янада чигаллашиб бориши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас.

Минтақа иқтисодиётининг асосий тармоқларидан яна бири енгил саноат бўлиб, унинг 30 дан ортиқ корхоналари мавжуд. Енгил саноатнинг ривожини Бухоро ип-газлама комбинатининг ишга туширилиши билан боғлиқ бўлди ва бугунги кунда ҳам комбинат тобора кенгайиб бормоқда.

Шунингдек, Олот, Қоракўл шаҳарларида хорижий мамлакатмиз ҳамкорлигида барпо этилган, тўқимачилик қўшма корхоналари ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Вилоятдаги Когон, Қоракўл, Ғиждувон ва бошқа шаҳарлардаги пахта заводлари шу вилоят ялпи маҳсулотининг 4/5 қисмидан ортиқроғини ишлаб чиқаради. Бухоро вилоятида пиллакашлик, зардўзлик, тикувчилик фабрикалари ҳам мавжуд. Анча йиллардан буён Бухоро шаҳрида

коракўлчилик заводи фаолият кўрсатмоқда. Шу билан бирга вилоят шаҳар ва қишлоқларида қадимдан ҳунармандчилик ва қосибчилик, турли миллий анъаналар тикланиб бормоқда.

Вилоятда озиқ-овқат саноати корхоналари: ёғ-экстракция, консерва, кандолат, пиво, макарон фабрикалари, гўшт, сут ва нон комбинатлари бор. Юқоридаги саноат объектларининг асосий қисми Бухоро, /иждувон ва Ҳоракўл шаҳарларида жойлашган. Агар мазкур саноат марказларини тиббий географик жиҳатдан баҳолаганда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, айнан мана шу ҳудудларда қон ва қон ҳосил қилиш, нафас олиш ва овқат ҳазм қилиш аъзолари билан боғлиқ хасталиклар кўп миқдорда учрайди. Аҳоли ва саноат тугунларининг ўта зичлиги, қолаверса, транспорт тўрининг ҳам айнан шу ҳудудлар тўғрисида жойлашуви юқоридаги хасталикларни янада авж олиб боришига замин яратмоқда.

2.2 Аҳоли саломатлигига табиий –муҳит ҳолатининг таъсири

Фан техника ва ишлаб чиқариш тараққиёти кенг авж олиб борадиган шароитларда инсон учун ижобий ҳодисалар бир қаторда уларнинг саломатлигига таъсир кўрсатадиган салбий оқибатлар ҳам кузатилади. Фан техника ва ишлаб чиқариш тараққиётининг салбий оқибатлари атроф табиий муҳит объектлари бўлган сув, ер, ҳаво ва ўсимлик дунёсининг ифлосланишига олиб келади. Саноати ниҳоятда ривожланган катта шаҳарлар саноат марказларининг атмосфера ҳавосидаги чанг, тутун, туманлар баъзи вақтларда қуёш нурини тўсиб қўйиб, ер юзига ультрабинафша нурларини ўтишига йўл бермайди. Ультрабинафша нурларнинг ер юзига етарли миқдорда тушмаслиги, ўз навбатида, турли касалликларни келтириб чиқаради.

Инсон саломатлигига ҳавонинг ифлосланиши сабабли таъсир кўрсатиши жисмоний, кимёвий, юриш-туриш ва физиологик жараёнларни ўз ичига олувчи воқеалар тизими орқали намоён бўлади. Бу тизимнинг

бўғинлари зарарли чиқиндиларнинг атмосферага чиқарилган пайтдан бошланади. Яъни, бунда арлашмаларнинг тарқалиши ва қўшилиши натижасида макон ва замонда ўзгарувчан тўйинтирилган зарарли моддалар ҳосил бўлади. Зарарлайдиган моддаларнинг ҳаво оқими билан кўчишида фотохимёвий ва бошқа реакциялар содир бўлади. Бунинг натижасида аксарият ҳолларда аввалгиларидан ҳам захарли иккиламчи зарарли моддалар моддалар пайдо бўлади.

Гигиена мутахассисларининг катор ишларида нафақат касалланиш миқдорининг ошиши, балки тузилмасининг ўзгариши, чунончи, бир томондан сурункали бронхит, ўпка эмфиземаси, бронхиал астма, хавфли касалликларнинг салмоғи кўпайгани қайд этилган¹. Иккинчи томондан, зарарланган ҳудудларда яшайдиган одамлар орасида зарарланиш даражаси паст туманларда истиқомат қиладиган беморга нисбатан нафас олиш органлари касалликларининг узоқ вақтга чўзилиши кузатилмоқда.

Мониторинг маълумотлари шуни кўрсатадики, Ўзбекистоннинг кўпгина шаҳарларида ҳавонинг ифлосланиши соғлик учун салбий оқибатларга олиб келадиган даражага етмоқда. Оғир металллар (чангнинг майда зарралари таркибига кирадиган), ҳавода учиб юрадиган органик бирикмалар (фенол, формальдегид, бензол, толуол, фурфурол, ацетон, углеводородлар, бен(а)пирен), таркибида олтингугурт бўлган газ, азот оксиди каби ҳавони антропоген ифлослантирувчиларнинг узоқ муддатли таъсири аҳоли саломатлиги учун ёмон оқибатларга олиб келмоқда.

Ўзбекистондаги шаҳар аҳолисининг 41 фоизи истиқомат қиладиган 10 та йирик шаҳарда ҳавонинг юқори даражада чанг босгани кузатилмоқда. Саноат шаҳарларида кўплаб чанг зарралари бошқа ифлослантирувчи моддалар, айниқса олтингугурт икки оксиди ва азот оксиди билин бир пайтда пайдо бўлмоқда. Бундай майда зарралар катта хавф туғдиради. Улар ўпкага чуқур сингиб бориб, респираторли касалликларнинг ривожланишига сабаб бўлади. Қуюқлиги юқори даражада бўлган чанг-тўзоннинг узоқ муддатли таъсири ўлим кўрсаткичи ва респираторли ҳамда юрак- қон томир касалликлари

бўйича шифокорга мурожат қилишга мажбур бўлади. Кейинги беш йилда аҳолининг умумий касалланиши деярли барча йирик шаҳар ва вилоятларда кўпайди. Энг кўп касалланиш Навоий вилоятида, кейин Тошкент шаҳри, **Бухоро**, Хоразм, Наманган ва Фарғона вилоятларида кузатилмоқда.

14 ёшгача бўлган болаларнинг умумий касалланиши бўйича кўрсаткичлар кейинги беш йилда Самарқанд, Навоий ва **Бухоро** вилоятларида сезиларли равишда ошди.

Антропоген таъсир натижасида тупроқларнинг зарарланиши ҳам (шўрланиш, заҳарли моддалар, пестицидлар, оғир металллар) ҳам аҳоли саломатлигига таъсир кўрсатаётган муҳим омиллардан ҳисобланади. Аҳоли саломатлигини пестицидлар кўп қўлланилган давр билан боғлиқ ҳолда ўрганиш шуни кўрсатадики, экологик муҳит пестицидлар билан тўйинтирилгани сайин сурункали бронхит, бронхиал астма, туғма юрак хасталиги, бачадон бўйни эрозияси, нефрит, ошқозон яра касаллиги, ўт-тош, юракнинг ишемик касалликлари, хафакон, камқонлик, сурункали отит, онкологик касалликлар билан хасталаниш даражаси йилдан-йилга кўпайган.

Вилоят табиатни муҳофаза қилиш ташкилоти маълумотларига кўра, атмосферага чиқарилган заҳарли моддалар йилига 200 минг тоннадан ортиқроғини ташкил этади, бу эса вилоятдаги ҳар бир аҳоли сонига тахминан 160-165 кг дан тўғри келади демакдир. Мазкур кўрсаткич айниқса саноат марказлари атрофида янада юқори. Табиийки, бундай экологик муҳит аҳоли саломатлигига салбий таъсир кўрсатади.

Вилоят ҳудудида эсувчи шамоллар, уларнинг йўналиши билан боғлиқ ҳолатда ҳам айрим хасталиклар миқдори ортиб борган. Бу ерда шамоллар асосан шимол ва шимолий-шарқий йўналишда кўпроқ эсади. Бу ҳам ўз навбатида аҳоли саломатлигида муҳим рол ўйнайди. Чунки, кўпинча қиш ойларида бундай шамолларнинг эсиши қўшни Навоий вилоятида мавжуд саноат объектларининг (ИРЭС, цемент заводи, «Навоий азот» бирлашмаси, тоғ-металлургия комбинати ва б.) вилоятга таъсирини янада оширади. Айниқса унга қўшни Ғиждувон туманига шамол билан кириб келувчи чанг ва

ифлос газлар миқдори юқори даражада. Шунинг оқибатида бўлса керак, бу туманда ва қолаверса умуман вилоятда мавжуд саноат тармоқлари туфайли мазкур минтақада нафас олиш аъзолари билан боғлиқ хасталиклар ўз салмоғи бўйича олдинги ўринлардан бирини эгалламоқда.

Шунингдек, вилоятнинг асосий транспорт тугунларида ҳам аҳолининг касалланиши кўпроқ. Жумладан, Бухоро ва Когон шаҳарларида бу ҳол янада сезиларли. Ушбу ҳудудлар аҳолиси орасида айниқса нафас олиш ва асаб тизими билан боғлиқ хасталиклар кўпчиликти ташкил этади.

Вилоятда сув манбалари билан боғлиқ касалликлар ҳам ортиб бормоқда. Айниқса, Зарафшон дарёси орқали келадиган оқова ва зовур сувлари, унда эриган туз ва бошқа кимёвий моддаларнинг вилоят ҳудудида тўпланиб қолаётганлиги ўлка экологик вазиятини янада кескинлаштирмоқда. Натижада аҳоли орасида овқат ҳазм қилиш аъзолари билан боғлиқ хасталиклар кўп учрамоқда. Бу ҳол айниқса чиқинди сувлар ташланадиган зовурлар яқинида, яъни воҳанинг ғарбий қисми аҳолиси орасида нисбатан кенг тарқалган.

Фойдали қазилмалар қазиб олинадиган айрим ҳудудларда ҳам аҳолининг касалланиш даражаси юқори. (Масалан, Зафаробод шаҳарчасида экологик вазият анча ёмон). Бироқ шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, Бухоро вилоятида саноат тармоқларининг ривожини республикадаги бошқа вилоятларга (Тошкент, Фарғона, Навоий) қараганда анча орқада. Бинобарин, аҳоли саломатлигига саноатнинг маълум миқдорда таъсири бўлсада, бизнингча вилоят аҳоли саломатлигини белгиловчи бош мезонлардан бири бу қишлоқ хўжалигидир. Чунки, қадимдан бу ҳудуд замини қишлоқ хўжалигига ихтисослашиши билан ажралиб турган. Ҳозирги вақтда ҳам вилоят республика меҳнат тақсимоотида ўзининг қишлоқ хўжалиги тармоқлари билан алоҳида кўзга ташланади.

Бухоро вилояти азалдан айрим юқумли хасталикларнинг ўчоғи бўлиб келган. Бунга унинг табиий шарт-шароитлари билан бир қаторда ижтимоий соҳаларнинг ҳам етарлича йўлга қўйилмаганлиги сабаб бўлган. Афсуски,

бугунги кунда ҳам ушбу соҳа тармоқларини қониқарли даражада деб бўлмайди.

Маълумки, эпидемик жараёнларнинг ўтишига ижтимоий омилларнинг табиий омиллардан кўра таъсири кўпроқ. Бу ўринда аҳоли турмуш шароитлари: турар-жойлар ҳолати, аҳоли зичлиги, канализация, тоза ичимлик суви ва бошқа маиший иншоотларнинг бор йўқлиги, аҳолининг моддий фаровонлиги, озиқ-овқат таркиби, тиббий санитария маданияти, миграция жараёнлари ва соғлиқни сақлаш соҳаси ишларининг аҳволи (умумий қилиб айтганда, ижтимоий инфраструктура тизими) муҳим мазмунга эга. Ушбу омилларнинг ҳар бири аҳоли саломатлигига ўзига хос таъсир кўрсатади. Чунончи, вилоят аҳолисининг тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш даражаси етарлича эмас. Бу ҳам ўз навбатида аҳоли саломатлигига салбий таъсир кўрсатади.

Ҳозирги кунда вилоят аҳолисининг 64 фоизга яқин қисми тоза ичимлик суви билан таъминланган. Айни пайтда айрим туманларда аҳолининг бор-йўғи 30 фоизи, жумладан, Қорақўл туманида атиги 27,5 фоиз аҳолиси тоза ичимлик суви билан таъминланган, холос. Бунинг оқибатида Қорақўл тумани сўнгги йилларда вилоятдаги юқумли касалликлар энг кўп тарқалган, экологик вазият кескинлашаётган ҳудудлардан бирига айланмоқда.

Шу ўринда айтиш лозимки, кейинги йилларда вилоятда аҳолининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш етарли даражада эмас. Бу ҳам аҳоли саломатлигига салбий таъсир кўрсатувчи омиллардан бири ҳисобланади.

Шундай қилиб, вилоятда кишилар турмуш даражаси ва аҳоли саломатлигини яхшилаш, аввало мамлакатимиз раҳбарияти томонидан белгиланган туб ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни амалга ошириш, халқ хўжалигини замонавий талаб ҳамда эҳтиёж доирасида ривожлантириш ва ҳудудий ташкил этиш, экологик муҳит мусоффолигини таъминлаш каби масалалар билан чамбарчас боғлиқ. Ушбу муаммоларни илмий асосда ечиш

нафақат Бухоро вилоятида, қолаверса, республикамизнинг барча минтақаларида соғлом авлодни вояга етказиш, аҳолининг моддий ва маънавий фаровонлигини ошириш имконини беради. Шундай қилиб, аҳоли саломатлига табиий муҳитнинг асосий омиллари: рельеф, иқлим, сув ва тупроқ таркиби кабиларнинг ҳолатини ўзгариб бориши кишилар орасида турли хил юқумли ва юқумли бўлмаган касалликларни ортиб боришига олиб келмоқда. Шу ўринда айтиш лозимки, аҳоли саломатлигини белгилашда юқоридаги омиллар билан бир қаторда ижтимоий-иқтисодий омиллар ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Мутахассислар томонидан олиб борилган айрим тадқиқотлар шуни кўрсатадики, кишилар орасида учрайдиган баъзи хасталиклар грипп, ревматизм, бронхиял астма, Боткин касаллиги ва гепертоник касалликлар, айниқса иқлим ва об-ҳаво шароитлари билан чамбарчас боғлиқдир. Шу билан бирга аппендицит, холицистит сингари хасталиклар ва айрим юқумли паразитар касалликларга ҳам иқлим ва об-ҳаво шароитлари маълум миқдорда таъсир кўрсатиши аниқланган (Шошин, 1962).

III-БОБ. БУХОРО ВИЛОЯТИНИ ИЖТИМОЙ ЭКОЛОГИК РАЙОНЛАШТИРИШ ВА УНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ ИСТИКБОЛЛАРИ.

3.1. Ижтимоий экологик районлаштиритиш

Районлаштириш ҳудудий табақалаш ёки қисмларга ажратиш демакдир.¹Ушбу қисмларга ажратиш барча фанлар қатори экология фанига ҳам дахилдор тушунчадир.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томондан 1998 йилда чоп этилган Ўзбекистон ҳудудини экологик районлаштириш рисоласида экологик районлаштиришга доир жуда катта ишлар қилинган ва унда республикамизнинг маъмурий-ҳудудий

бирликларига экологик ҳолатига кўра балли кўрсаткичлар ва фоизлар билан баҳо берилган.(Мазкур экологик районлаштириш вилоятнинг атроф муҳит ҳолатини мониторинг маълумотларига асосланган илмий услубий ишланма ҳисобланади).

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан Ўзбекистон ва вилоятлар ҳудуди экологик шароитига кўра районлаштирилди.

0-мумкин(қулай) экологик вазият вазият зонаси

I- кескин экологик вазият зонаси

II-ўрта кескин экологик вазият зонаси

III-экологик фожиа (ҳалокат) зонаси

Табиий-экологик ва иқтисодий-ижтимоий омиллар мажмуи борасидаги таҳлиллар бизга вилоятни экологик баҳолаш ва экологик районлаштириш имконини беради.

Маъмурий туманлар доирасида олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, районлар орасида энг салбий кўрсаткичлар Ғарбий районда, аниқроғи, Ромитан ва Пешку туманларида кузатилади. Бу ерда ер ости сувлари ҳолати ҳам талаб даражасида эмас. Бунинг оқибатида тупроқларнинг шўрланганлик ҳолати юқори. Хусусан, Ромитан туманида тупроқларнинг шўрланиш даражаси анча катта. Бинобарин, Ғарбий тиббий экологик район бугунги кунда вилоятда экологик муҳитнинг ифлосланганлик даражаси ва унинг кишилар саломатлигига таъсири жиҳатидан энг ночор аҳволда. Тез орада шу хусусда зарурий чора-тадбирларнинг амалга оширилиши мавжуд вазиятни анча соғломлаштириши мумкин.

Экологик вазиятнинг хавфлиги жиҳатидан кейинги ўринни эгалловчи Марказий экологик район Бухоро, Когон ва Қоровулбозор туманларида саноат ва транспорт тўри нисбатан яхши ривожланган. Айниқса Қоровулбозор туманида бу ҳол янада кўзга яққолроқ ташланади.

Район таркибига кирувчи барча туманлар вилоятнинг асосан марказий қисмини эгаллаб, бошқа тиббий экологик районлар таркибидаги туманларни ўзаро боғлаб туради. У вилоятда атмосфера ифлосланиш даражасининг кўрсаткичлари бўйича энг юқори ўринни эгаллайди. Чунки, юқорида таъкидланганимиздек, ҳудудда саноат тармоқлари, шунингдек транспорт ҳаракатининг жадаллиги унинг ҳаво таркибини ифлосланишига кучли таъсир кўрсатади. Шу билан бир каторда, ушбу район табиий ландшафтлари, эндемик ўсимлик ва ҳайвонот олами вакиллари кучли таъсирга учраган. Сабаби, ҳудуд вилоятнинг, қолаверса, республикамизнинг энг қадимги аҳоли манзилгоҳлари каторига киради. Асрлар давомида район табиий ландшафтлари ўрнини инсон томонидан бунёд этилган маданий ландшафт кўринишлари эгаллаб борган ва ўлка табиати вилоятнинг қолган ҳудудларига нисбатан кучли ўзгартирилган.

Ушбу район ҳам вилоятнинг экологик жиҳатдан танг ўчоқларидан биридир. Ҳудуд табиатининг кескин ўзгариб кетиши, ландшафт кўринишларини инсон хоҳиш-истакларига мос ҳолда бетиним ўзгаришга юз тутиши даврлар ўтиши билан экологик бўронларни келтириб чиқариши мумкин. Айни чоғда кишилар саломатлиги ва касалланиши бўйича ҳудуд вилоятда энг олдинги ўринларни, айрим тур хасталиклар билан касалланганлар сони бўйича эса ҳатто республикада юқори кўрсаткичларни эгаллайди. Бинобарин, ушбу районда ҳам тиббий экологик ва назоратни кучайтириш, аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш замон талабидир.

Қорақўл ва Олот туманларидан иборат Қуйи тиббий географик райони ўзига хос табиати, иқлим ва нозогеографик хусусиятлари билан алоҳида ажралиб туради. Район тупроқ таркибининг шўрланганлик даражаси, ер ости сувларининг ер юзасига яқинлиги жиҳатидан Бухоро воҳасидан анча фарқланади. Ушбу туманлар кўпроқ қишлоқ хўжалигига ихтисослашганлиги туфайли атмосферанинг ифлосланиш даражаси нисбатан қониқарли ҳолатда.

Бундан 20-30 йиллар муқаддам Зарафшон дарёси сувининг деярли етиб бормаслиги оқибатида районнинг табиати анча зарар кўрди. Ўлканинг айрим

ўсимлик ва ҳайвонот турлари ўз яшаш жойларини ўзгартирди. Кейинчалик эса каналлар қурилиши натижасида экологик муҳит бироз яхшиланди. Аммо айтиш жоизки, вилоят ҳудудининг шимолий-шарқдан жанубий-ғарбга томон нишоблашиб бориши турли оқава жинсларнинг воҳада тўпланиб боришига сабаб бўлган.

Ер ости ва ер усти сувлари ҳолати ҳам Қорақўл воҳасида ўзгача. Ҳатто кадимда ҳам ўлканинг Зарафшон дарёсининг ўта қуйи қисмида жойлашганлиги унинг табиатига, экологик ва нозогеографик ҳолатига ўз таъсирини кўрсатган. Тахминларга кўра, Қорақўл номининг ўзи ҳам унинг тарихи, табиий шарт-шароитлари билан узвий боғлиқдир (қўйчиликнинг «қорақўл» тури бу номга асло алоқадор эмас). Шунинг учун мазкур районда кўпроқ тупроқ шўрини ювиш тадбирларини амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Маълумотлар шундан далолат берадики, ушбу туманлар экологик аҳволини белгилаб берувчи деярли барча омиллар кишилар саломатлигига салбий таъсир кўрсатади. Айниқса, ҳудудда ичимлик суви, тупроқларнинг шўрланиш даражаси ниҳоятда оғир аҳволда. Бунинг сабаби- ҳар иккала туман бўйича ҳам тупроқнинг шўрланганлик кўрсаткичлари жуда юқоридир.

Тиббий экологик районлар орасида вилоятда бошқаларга нисбатан бироз бўлсада, экологик жиҳатдан қулайроқ, ҳудуд бу Юқори райондир. Лекин ушбу районнинг экологик вазияти ҳам кишилар саломатлиги нуқтаи назаридан тўла ижобий баҳога эга эмас. Жумладан, Гиждувон туманида бу ҳол анча сезиларли бўлиб, унда қўшни Навоий вилоятининг анчагина таъсири бор. Айниқса сув, ҳаво оқимлари таъсирида ҳар хил заҳарли газларнинг ҳудудга кириб келиши туманда нафас олиш аъзолари хасталикларининг тарқалишига сабаб бўлмоқда. Шу билан бирга туман аҳолисининг сифатли ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси ҳам жуда паст. Бу эса у ерда яшовчи кишилар саломатлигига ўз салбий таъсирини кўрсатади.

Айни пайтда, район таркибига кировчи Шофиркон, Вобкент туманлари экологик жихатдан вилоятда энг кулай ўринларни эгаллайди. Бироқ, Бухоро вилояти ҳудуди, умуман олганда аҳоли саломатлигига ижобий таъсир этувчи кулай экологик шарт-шароитларга унча эга эмас. Шундай экан, бу ерда экологик муҳит мусаффолигини таъминловчи шошилиш (тезкор) чоратадбирларининг амалга оширилиши зарурдир. Бу борада саноат корхоналари ва транспорт фаолиятини қатъий назорат остига олиш, ҳудудда экологик вазиятни юмшатиш мақсадида тупроқлар шўрини ювиш, ичимлик суви таркибини янада яхшилаш ишларига ҳам эътибор берилиши лозим.

Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва касалликларнинг олдини олишда санитария-гигиена талабларига риоя қилиш, баъзи экологик вазияти ўта танг аҳволда бўлган ҳудудларда тиббий ва экологик назоратни янада кучайтириш зарур. Мазкур ишлар эса тегишли соғлиқни сақлаш муассасалари, вилоят табиатни муҳофаза қилиш ташкилоти, вилоят санитария-эпидемиология бош маркази қолаверса, маҳалла вамаҳалла оқсоқоллари томонидан доимо назорат остига олинishi керак.

Аҳолининг ялпи касалланиш даражаси ўта юқори (Ромитан, Пешку туманлари ва Бухоро шаҳри) бўлган ҳудудларда махсус санитария эпидемиология кузатув ишлари амалга оширилиши мазкур ҳудудларни барча замонавий тиббий асбоб-ускуналар, дори-дармонлар ҳамда малакали тиббиёт ходимлари билан таъминланишни тақозо этади. Бундай чоратадбирлар вилоятда айрим хасталик турлари (сил, захм, тери касалликлари) бўйича хатто республикада ажралиб турувчи баъзи туманлар ёки бошқа аҳоли манзилгоҳларда ҳам амалга оширилиши лозим.

Шунингдек, кўрилатган ҳудудларда (жумладан, Қоровулбозор, Пешку туманларида) юқоридаги хасталикларни даволовчи шифо масканларини барпо этиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Бу ўринда таъкидлаш жоизки, келгусида Бухоро вилоятида чўл шароити учун хос бўлган сихатгоҳларни барпо этиш масалаларига эътибор қаратиш муҳим аҳамиятга эга.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда қабул қилинаётган соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш борасидаги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари вилоятларда шу соҳа учун алоқадор бўлган мавжуд муаммолар ечимини талаб этади. Бундай муаммолар орасида айниқса жойларнинг санитария-гигиена, экологик ҳолатини яхшилаш, аҳоли ва ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил этиш билан боғлиқ экологик масалалар етакчи аҳамият касб этади.

Республикаимизнинг ҳар бир вилояти экологик нуқтаи назардан ўзига хос муаммоларга эга. Чунончи, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг Орол денгизи ҳавзасида жойлашганлиги ёки Тошкент, Фарғона, Навоий сингари вилоят ва шаҳарларда саноат корхоналарини бошқа ҳудудларга нисбатан бирмунча зич жойлашуви мазкур минтақалар экологик муҳитига салбий таъсир кўрсатади. Сурхондарё вилоятининг бир неча туманларида қўшни Тожикистон Республикаси Турсунзода шаҳрида жойлашган алюминий заводи таъсирида экологик мувозанат бузилиб, аҳоли орасида ҳар хил хасталикларнинг авж олиш ҳоллари кузатилмоқда. Бундай нохуш ҳолатларни мамлакатимизнинг бошқа вилоятларида ҳам учратиш мумкин.

Биз тиббий географик жиҳатдан таҳлил этаётган Бухоро вилояти ҳам мамлакатимизнинг экологик жиҳатидан танг аҳволда бўлган ҳудудларидан биридир. Вилоятнинг типик чўл зонасида, Зарафшон дарёсининг қуйи қисмида жойлашганлиги, қолаверса, нисбатан саноатлашган Навоий вилояти билан чегарадошлиги унинг экологик ҳолатига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Бухоро вилоятининг асосий қисми чўллардан иборат. Суғориладиган экин майдонларининг кенгайиши, янги ерларнинг ўзлаштирилиши, қишлоқ хўжалиги ва саноатнинг ривожланиб бориши чўл ҳудудларига ҳам сезиларли таъсир қилади. Натижада чўл табиати ўзгаради, унинг тупроқ таркиби бузилади, мавжуд эндемик ўсимлик ва ҳайвонлар сони камаяди. Шунга ўхшаш нохуш ҳолатларни бартараф этиш мақсадида вилоятда яқин йиллар

орасида бир неча қўриқхона (Қизилқум, Денгизкўл, Вардонзе) жаҳонда ягона «Жайрон» питомниги барпо этилди.

Вилоят аҳолиси саломатлигини яхшилашнинг асосий муаммоларидан бири уларни тоза ичимлик суви билан етарлича таъминланмаганлигидир. Маълумки, Бухоро вилоятининг сувга бўлган эҳтиёжи қадимдан Зарафшон дарёси ҳисобидан қондирилган. Лекин даврлар ўтиши билан дарё суви кескин камайиб борди. Агар ўтган асрнинг 50-йилларида дарёнинг сув сарфи ўртача юз куб метрни ташкил этган бўлса, ўн-ўн беш йил ўтгач бу рақам олтмиш куб метрга камайиб кетди. Ҳозирги вақтда Зарафшон дарёсининг суви Навоий вилояти ҳудудида бутунлай тугайди. Дарёнинг Бухоро вилояти ҳудудидан ўтган қисми Марказий Бухоро зовури номи билан аталади ва ундан оқава сувларни ҳайдашда фойдаланилади (Назаров, 1992).

Олтмишинчи йилларнинг бошларида вилоятда юзага келган сув танқислиги ўлкада Аму-Қорақўл (1962) ва Аму-Бухоро (1965-1975) каналларини барпо этилишига сабаб бўлди. Ҳозирги кунда вилоят аҳолиси ва хўжалигининг сувга бўлган талаби асосан ана шу каналлар ёрдамида таъминланмоқда.

Сўнгги йилларда вилоятда мавжуд суғорма (Бухоро, Қорақўл, Қоровулбозор) ерларнинг таркибий ҳолатини яхшилаш мақсадида зовурлар тизими бунёд этилди. Ҳар йили 2 куб км. ҳажмдаги зовур ва оқава сувлар воҳалардан ташқарига чиқарилади. Ушбу сувларнинг катта қисми Денгизкўл, Қорақир, Оғитма каби ташлама кўлларга ва қисман Катта Тузкон кўли Порсонкўл зовури орқали Амударёга қуйилади. Баъзи маълумотларга кўра, ҳар йили 5 млн. тоннадан ортиқ туз ва бошқа кимёвий ашёлар ҳамда 10 млн. тоннага яқин қаттиқ оқизиклар мазкур кўллар ҳавзасига тўпланмоқда (Назаров, 1992). Бу эса катта-катта майдонларнинг ботқоқланишига, ўзига хос чўл ландшафтларининг ўзгариб кетиши ва уларнинг генофондига салбий таъсир этмоқда. Ушбу муаммоларни бартараф этиш учун республикамизнинг жануби-ғарбий ҳудудларидан оқизилаётган оқава ва зовур сувларини Шўрдарё зовури орқали Орол денгизига юбориш ишлари

режалаштирилмоқда. Буларнинг барчаси атроф-муҳит экологик ҳолатига ўз таъсирини кўрсатиши мумкин. Бундай ўзгариш хусусан Бухоро вилояти чўл ҳудудида сезиларли бўлиши кутилмоқда.

Вилоят ҳудуди ер ости сувларига ҳам жуда бой, аммо чўл ва воҳаларда уларнинг шўрланганлик даражаси бирдай эмас. Айрим ҳудудларда улардан истеъмол мақсадида фойдаланишади. Ваҳоланки, мавжуд ер ости сувлари ўз таркибига кўра аҳоли истеъмоли учун яроқсиз аҳволда. Чунки сувнинг шўрланганлик даражаси анча юқори. Шу мақсадда ўтказилган Дамхўжа-Бухоро сув қузури билан асосан Бухоро шаҳри ва унга ёндош туманлар аҳолисини тоза сув билан таъминлайди. Бироқ, вилоятнинг қолган туман ва бошқа аҳоли манзилгоҳлари ҳамон истеъмол учун қисман яроқсиз сувдан фойдаланиб келмоқда. Бу эса ўлкада ошқозон-ичак ва кўпгина юқумли хасталикларнинг авж олишига сабаб бўлмоқда. Жумладан, Ҳорақўл тумани аҳолисининг бор-йўғи 27 фоизга яқин қисми тоза ичимлик суви билан таъминланган, холос. Бинобарин, вилоят аҳолисининг сифатли ичимлик суви билан таъминлаш асосий муаммолардан бирига айланиб бормоқдаки, унинг ҳал этилиши минглаб кишилар саломатлигига ижобий таъсир кўрсатиши табиий.

Маълумотларга кўра, бугунги кунда Бухоро вилояти аҳолисининг 2/3 қисмига яқини марказлаштирилган сув тизими билан таъминланган, холос. Бунда Ҳоровулбозор тумани (100 фоиз) ва Бухоро (99,5), Когон (85,4) шаҳарлари нисбатан юқори кўрсаткичларга эга бўлсада, лекин вилоятнинг Ғиждувон (38,3), Когон (30,4), Олот (40,5) туманлари анча паст кўрсаткичларга эга. Айниқса, вилоятнинг чўл қисми аҳолиси бу борада жуда ночор аҳволда. Сабаби-ҳанузгача ушбу ҳудудларда қудуқлар ёки қўшни туман ва бошқа манзилгоҳлардан махсус идишларга келтирилган сувдан истеъмол мақсадида фойдаланилмоқда. Бир неча кун давомида идишларда туриб қолган сувларни истеъмол қилиш эса болалар орасида турли юқумли хасталикларни келтириб чиқаради. Хусусан, бу ҳол жазирама ёз кунларида сувни ўта кўп истеъмол қилиниши оқибатида янада кучаяди. Шу боис,

вилоятнинг айрим туманларида аҳоли истеъмоли учун марказлаштирилган сув тизимини ташкил этиш, қишлоқ жойларда ичимлик сув таркибини яхшилаш ва бу борада назорат олиб бориш масаласи вилоят санитария ва эпидемиология маркази томонидан йўлга қўйилиши зарур.

Барчамиз сувни ҳаёт манбаи деймиз-у, аммо уни ифлослантирувчи омилларга бефарқ қараймиз. Ҳозирги кунда Бухоро вилоятида саноат корхоналарида ишлатиб бўлинган оқава сувларни тозалайдиган қирққа яқин иншоотлар мавжуд бўлсада, бироқ уларнинг ярмига яқини коникарсиз ахволда ишламоқда ёки умуман ишлатилмасдан турибди. Фақатгина вилоятнинг марказий ҳудудида оқава сувларни бир қисмигина тозалаш иншоотларига юборилмоқда, холос.

Кейинги йилларда вилоятга жуда катта маблағлар эвазига сувларни таркибини тозалаб берувчи ҳар хил сув ўсимликлари келтирилмоқда. Лекин улардан фойдалана олиш ишлари етарлича йўлга қўйилганича йўқ. Агар келажакда мазкур ўсимликлардан вилоят сувлари таркибий ҳолатини яхшилашда самарали фойдаланилса янада мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Аҳоли саломатлиги учун зарурий манбалар орасида ичимлик суви билан бир қаторда атроф-муҳит мусаффолиги, аҳолининг яшаш тарзи, зарурий шароитларга эга бўлган уй-жой, озуқа, даволаниш муассасалари ва ускуналари билан таъминланганлик даражаси каби омиллар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Аввалроқ, таъкидлаганимиздек, сўнгги йилларда вилоятда атмосфера таркибига чиқариладиган зарарли моддалар йилига 200 минг тоннадан ортиқроқни ташкил этади.

Вилоят табиатни муҳофаза қилиш ташкилоти маълумотларига кўра, ўлкада атмосфера ислофланиш индекси ҳам шу хусусдаги фикрларимизни анча ойдинлаштиради. Таҳлиллар шундан далолат берадики, бу кўрсаткич вилоят миқёсида йил сайин камайиб бораётган бўлсада, бироқ унинг умумий миқдори республикамизнинг айрим вилоятларига қараганда анча юқоридир. Масалан, бундай ҳолат айниқса Бухоро, Когон, Ғиждувон шаҳарларида жуда кескиндр. Бундан ташқари, кейинги йилларда бунёд этилган Қоровулбозор

шаҳарчасида ҳам ушбу кўрсаткичлар анча катта. Яна шуни эътиборга олиш лозимки, Қоровулбозорда ташкил этилган нефтни қайта ишловчи завод атрофида ва унга қўшни аҳоли манзилгоҳларида йиллар ўтиши билан экологик вазият танг аҳволга келиш ҳоллари ҳам эҳтимолдан холи эмас. Сабаби-ушбу улкан завод истикболда янада кенгайиб, унинг атрофида катор нефт-кимё корхоналари барпо этилиши, йирик ишлаб чиқариш мажмуаси ҳосил бўлиши мумкин. Бинобарин, туман аҳолиси саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида бундай технологик жараёнлар салбий оқибатини ҳам олдиндан эътиборга олмоқ зарур.

Шу билан бирга бундай ҳудудларда тиббий экологик тадқиқот ишлари, санитария-эпидимология маркази фаолиятини кучайтириш жуда ўринли. Зеро, тиббиёт соҳасида касалликни даволаш эмас, балки юзага келиши мумкин бўлган сабабларнинг олдини олиш чора-тадбирлари муҳимроқ.

Вилоятда мавжуд экологик вазиятни янада кескинлаштирувчи омиллардан яна бири тупроқ таркибининг шўрланганлик ва турли хил кимёвий моддалар билан ифлосланганлик ҳолатидир. Бухоро вилояти табиатни муҳофаза қилиш ташкилоти маълумотларига кўра, бу ерда суғориладиган ерларнинг шўрланиши тобора ортиб бормоқда. Бундай ҳолат айниқса Ромитан, Олот, Ғиждувон, Шофиркон туманларда жуда кескин. Шўрланишни олдини олиш қишлоқ хўжалигида катта даромад манбаигина бўлиб қолмай, балки мазкур ҳудудларда яшовчи кишилар саломатлиги учун ҳам ижобий натижалар беради. Агар чуқурроқ ўйлаб кўрилса, айрим касаллик гуруҳлари бўйича энг юқори ўринларни эгалловчи Ромитан, Олот, Қорақўл сингари туманларда тупроқларнинг шўрланиш даражаси жуда юқори кўрсаткичларга эга. Демак, хулоса қилишимиз мумкинки, ерларнинг шўрланиб бориши ҳам у ердаги яшовчилар жисмига маълум маънода таъсир кўрсатар экан.

Экологик вазиятнинг йилдан-йилга ёмонлашиб бориши воҳалар тупроқ таркибидаги кимёвий моддаларнинг тобора ортиши билан

изоҳланади. Вилоятнинг воҳа қисмида тупроқларнинг пестицидлар билан ифлосланиш даражаси жуда юқори, яъни 1 гектарда 5,0-10,0 кг-ни ташкил этади. Бас, шундай экан, ундан кўриниб турибдики, ҳар икала кўрсаткич орасида маълум даражада боғлиқлик мавжуд ва аҳолининг сув билан таъминланиш ҳолати ортиб борган сари юқумли касалликларнинг камайиб бориши кузатилади. Худди шундай боғлиқлик қонуниятини вилоят тупроқларнинг шўрланиш даражаси ва умумий касалланганлар сони ўртасидаги алоқадорликда ҳам кўриш мумкин. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида у ёки бу касаллик турларининг муайян омиллар таъсирида шаклланиши ва улар орасидаги ўзаро боғлиқлик мавжудлиги аниқланди.

Таҳлиллар шундан далолат берадики, юқорида таъкидлаб ўтилган омилларнинг ҳар қайсиси саломатликка ўз таъсирини кўрсатади ва уларнинг барчаси биргаликда саломатликни белгилаб берувчи асосий мезон бўлиб хизмат қилади.

Бухоро вилоятида олиб борилаётган геологик қидирув ишлари ва мавжуд қазилма конлардан фойдаланиш ҳам ўлка экологик муҳитини бироз ўзгартиради. Маълумки, ҳозирги кунда вилоятда 10 фоизгина майдонлар воҳалардан иборат бўлиб, жами аҳолининг 90-95 фоизи айнан ана шу ҳудудларда яшайди. Қолган 5-10 фоиз аҳолигина чўл зонасида истиқомат қилади, холос. Ушбу ҳудудларда турли-туман маъданлари қазиб олиш ишларининг давом этиши у ерда яшовчи кишилар саломатлигига бевосита таъсир кўрсатади.

Бухоро вилоятида кўпроқ табиий газ ва нефт, оҳактош ва гипс, доломит ва ураннинг захиралар мавжуд. Бундай конлардан фойдаланиш натижасида атроф-муҳит анча бузилади. Бу ўз навбатида аҳоли саломатлигига катта зарар етказади. Худди шундай ҳолатни Ѓиждувон туманига қарашли Зафаробод ишчилар шаҳарчасида кузатиш мумкин. Ҳисман шунинг учун бўлса керак, мазкур шаҳарча аҳолиси орасида хавфли ўсма хасталиклар ҳам учраб туради.

Умуман олганда, нафақат Гиждувон туманида, қолаверса, вилоятнинг ана шундай экологик жиҳатдан носоғлом бўлган ҳудудларида доимий равишда сув, ҳаво, тупроқ ва озуқа таркибини текшириб кўриш ва уларнинг устидан қаттиқ назорат олиб бориш тавсия этилади. Чунки юқорида таъкидлаганидек, айрим зарарли моддалар миқдорини меъёридан ортиб кетиши ҳар хил хавфли касалликларини келтириб чиқаради.

Вилоятда экологик муҳитни заҳарловчи омиллардан яна бири ҳудудда мавжуд ахлатхоналар билан боғлиқ муаммолардир. Бу ерда юздан ортиқ ахлатхоналар бўлиб, уларга ҳар йили 1 млн. 200 минг куб метрдан ортиқ турли - хил чиқиндилар ташланади (Бухоро вилояти табиатни муҳофаза қилиш ташкилоти маълумотлари). Аммо ахлатларни зарарсизлантириш ишлари етарлича йўлга қўйилмаган. Бу эса ўлка экологик ҳолатига салбий таъсир кўрсатади.

Ахлатхоналар кўпинча йирик аҳоли манзилгоҳларига яқин ҳудудларда тўпланган бўлиб, улар қушлар ва бошқа турдаги ҳайвонот олами вакилларининг доимий яшаш жойларига айланган. Уларнинг шаҳар жойлари ва мазкур ҳудудлар орасида кўчиб юриш ҳоллари баъзи юқумли касалликларнинг тарқалишига ёрдам беради. Сабаби сув, ҳаво, озуқа каби яшаш воситалари орқали инсон ва бошқа тирик мавжудотлар доимий алоқададир. Шунинг учун ахлатхоналарни мумкин қадар зарарсизлантириш санитария-гигиена ва аҳоли саломатлиги нуқтаи назаридан мақсадга мувофиқдир.

Кейинги вақтларда ахлатхоналарда ўта заҳарли кимёвий маҳсулотлар, шунингдек, симобли лампаларнинг чиқариб ташлаш ҳоллари кузатилмоқда. Бундай ҳолатлар айниқса вилоятнинг Олот, Пешку туманларида ва Бухоро шаҳри атрофида кўпроқ учрайди. Бу эса ахлатхоналарга яқин ҳудудларда яшовчи кишилар соғлиғига жиддий зиён етказиши мумкин. Демак, шунга ўхшаш бундай жойларда вилоят табиатни муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш ва қатор тегишли муассасалар томонидан мунтазам равишда махсус назоратлар олиб бориш айтиш мумкиндир.

Юқорида кўзда тутилган табиий-экологик омиллар тизимини яхшилаш борасидаги тадбирларни амалга ошириш билан бир қаторда вилоят аҳолисининг мавжуд тиббий муассасалар ва ходимлар ҳамда бошқа турдаги тиббий воситалар билан таъминланганлик даражасига ҳам алоҳида эътибор қаратиш зарур. Шу билан бирга тиббий ва экологик таълимни, аҳолининг экологик маданиятини ривожлантириш ҳам катта аҳамият касб этади.

Маълумки, мустақиллик йилларда мамлакатимизда аҳоли саломатлигини тубдан яхшилаш ва муҳофаза қилиш, шунингдек, уларга тиббий хизмат кўрсатиш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 1998 йил 12 июнда республикамиз Президенти томонидан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини 1998-2005 йилларда ислоҳ қилиш тўғриси» даги фармони айнан шу ҳақдадир. Фармон асосида ишлаб чиқилган дастурда айниқса қишлоқ аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиш ҳолатини янада яхшилаш, уларни зарурий тиббий муассаса ва бошқа тиббий мосламалар билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор берилган. Шу нуқтаи назардан Бухоро вилоятида ҳам аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш тармоқларини янада ривожлантириш, аҳолини малакали тиббий кадрлар ва ҳамширалар билан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

2004 йилда вилоят аҳолиси жон бошига тўғри келадиган бемор ўринлар сони (ҳар минг кишига нисбатан) ҳам республика даражасидан (5,3) анча орқада. Бу кўрсаткич вилоятда ҳар минг кишига 4,3 тадан тўғри келган ҳолда у Бухоро шаҳри ва Бухоро туманида энг юқори, Когон ва Ҳорақўл туманларида эса ушбу вазият биров ижобий.

Айтиш ўринлики, айрим тур хасталикларни даволашга ихтисослаштирилган касалхоналарнинг кўпчилиги вилоят маркази Бухоро шаҳрида жойлашган. Холбуки, бу ҳолат марказдан анча узоқда бўлган Олот, Қорақўл ва Қоровулбозор сингари туманлар аҳолисининг бундай даволаш муассасаларидан фойдаланишлари учун анча қийинчилик туғдиради.

Бинобарин, ихтисослашган касалхоналарнинг ҳудудий ташкил этилишида мавжуд нозогеографик вазиятдан келиб чиқиши керак.

Шу билан бирга вилоятда баъзи хасталиклар бўйича энг юқори ўринларни эгалловчи айрим туманлар учун зарур чоралар қўлланилиши талаб этилади. Жумладан, Пешку, Ромитан туманлари аҳолиси умумий касалланиш даражасига кўра вилоятда энг юқори кўрсаткичларга эга. Бироқ, ушбу туманлар аҳолиси зарурий тиббий хизмат кўрсатиш тармоқлари билан етарлича таъминланган эмас

3.2 Вилоятни ижтимоий экологик оптималлаштириш истикболлари

Юқорида кўзда тутилган табиий-экологик омиллар тизимини яхшилаш борасидаги тадбирларни амалга ошириш билан бир қаторда вилоят аҳолисининг мавжуд тиббий муассасалар ва ходимлар ҳамда бошқа турдаги тиббий воситалар билан таъминланганлик даражасига ҳам алоҳида эътибор қаратиш зарур. Шу билан бирга тиббий ва экологик таълимни, аҳолининг экологик маданиятини ривожлантириш ҳам катта аҳамият касб этади.

Маълумки, мустақиллик йилларда мамлакатимизда аҳоли саломатлигини тубдан яхшилаш ва муҳофаза қилиш, шунингдек, уларга тиббий хизмат кўрсатиш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 1998 йил 12 июнда республикамиз Президенти томонидан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини 1998-2005 йилларда ислоҳ қилиш тўғриси» даги фармони айнан шу ҳақдадир. Фармон асосида ишлаб чиқилган дастурда айниқса қишлоқ аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиш ҳолатини янада яхшилаш, уларни зарурий тиббий муассаса ва бошқа тиббий мосламалар билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор берилган. Шу нуқтаи назардан Бухоро вилоятида ҳам аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш тармоқларини янада ривожлантириш, аҳолини малакали тиббий кадрлар ва ҳамширалар билан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

2004 йилда вилоят аҳолиси жон бошига тўғри келадиган бемор ўринлар сони (ҳар минг кишига нисбатан) ҳам республика даражасидан (5,3) анча орқада. Бу кўрсаткич вилоятда ҳар минг кишига 4,3 тадан тўғри келган ҳолда у Бухоро шаҳри ва Бухоро туманида энг юқори, Когон ва Қ

+орақўл туманларида эса ушбу вазият бироз ижобий.

Айтиш ўринлики, айрим тур хасталикларни даволашга ихтисослаштирилган касалхоналарнинг кўпчилиги вилоят маркази Бухоро шаҳрида жойлашган. Ҳолбуки, бу ҳолат марказдан анча узоқда бўлган Олот, Ҳорақўл ва Ҳоровулбозор сингари туманлар аҳолисининг бундай даволаш муассасаларидан фойдаланишлари учун анча қийинчилик туғдиради. Бинобарин, ихтисослашган касалхоналарнинг ҳудудий ташкил этилишида мавжуд нозогеографик вазиятдан келиб чиқиши керак.

Шу билан бирга вилоятда баъзи хасталиклар бўйича энг юқори ўринларни эгалловчи айрим туманлар учун зарур чоралар қўлланилиши талаб этилади. Жумладан, Пешку, Ромитан туманлари аҳолиси умумий касалланиш даражасига кўра вилоятда энг юқори кўрсаткичларга эга. Бироқ, ушбу туманлар аҳолиси зарурий тиббий хизмат кўрсатиш тармоқлари билан етарлича таъминланган эмас. Шундай экан, келгусида касалхона ва бошқа турдаги аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш тармоқларини ҳудудий ташкил этишда туманларнинг айнан ўзига хос нозогеографик хусусиятлари ҳам эътиборга олиниши мақсадга мувофиқдир.

Юқорида кўрсатилган табиий-экологик ва иқтисодий-ижтимоий омиллар мажмуи борасидаги таҳлиллар бизга вилоятнинг келгусидаги истиқболларини нозогеографик жиҳатдан баҳолашга ёрдам беради. Маълумки, вилоят бўйича ялпи касалланиш даражаси республика кўрсаткичларидан бироз юқори бўлсада, лекин умумий ўлим кўрсаткичи бу ерда сезиларли даражада паст.

Агар ўлим кўрсаткичларини аҳолининг ёш ва жинс таркиби бўйича таҳлил қилсак, қуйидаги ҳолатни гувоҳи бўламиз: вилоятда 2004 йилда гўдаклар ўлими ҳар минг киши ҳисобига 13,9 кишига тўғри келди ва бу

кўрсаткич ҳам республика даражасидан (15,2) анча кам. Аммо, Бухоро вилояти мамлакатимизда оналар ва туғилгунгача бўлган болалар ўлими кўрсаткичлари бўйича юқори ўринларни эгаллайди. Масалан, 2003 йилда республикада оналар ўлими ҳар юз минг кишига 32 кишини ташкил қилган бўлса, Бухоро вилоятида бу кўрсаткич 37,3 кишига тенг. Бу ҳолат айниқса вилоятнинг Қоровулбозор, Когон ва Бухоро шаҳрида жуда юқори.

Шунингдек, туғулгунча қадар даврдаги болалар ўлими (перинатал ўлим) кўрсаткичлари бўйича ҳам вилоят олдинги ўринларда. Бухоро вилояти соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ушбу кўрсаткич 2003 йилда вилоятда ҳар минг туғилган гўдак ҳисобига 11,3 кишини ташкил этди ва бу рақам республикага нисбатан бироз юқоридир (10,1). Айнан ана шу ҳолат х усусан вилоятнинг Қоровулбозор (21,2), Ромитан (15,2) туманлари ҳамда Бухоро (16,1) ва Когон (15,9) шаҳарларида анча кескин.

Қизиғи шундаки, ҳар учала (гўдаклар, оналар ва туғилгунгача бўлган болалар) ўлим жараёнлари вилоятнинг экологик жиҳатдан энг танг аҳволда бўлган Ромитан, Пешку, Қоровулбозор туманлари ҳамда Бухоро ва Когон шаҳарларида қайд этилади. Шундай экан, келгусида энг аввало мазкур туманларда зарурий тиббий чора-тадбирларни қўллаш мақсадга мувофиқдир. Акс ҳолда аҳвол бундан ҳам кескинроқ тус олса ажаб эмас.

Аҳоли орасида умумий ўлим кўрсаткичлари билан бирга энг кўп учрайдиган хасталик гуруҳлари ҳам сўнгги йилларда ўзгариб борган. Олиб борилган тадқиқотларимиздан маълум бўлдики, Бухоро вилояти аҳолиси орасида қон ва қон ҳосил қилиш, нафас олиш ва овқат ҳазм қилиш аъзолари, шунингдек, юқумли паразитар касалликлар энг кўп учрайди. Вилоятда йиллар давомида энг катта миқдорда ортиб борган хасталик гуруҳи бу қон ва қон ҳосил қилиш аъзолари хасталиклари бўлиб, улар 2004 йилда ҳар юз минг киши ҳисобига 12456 кишини ташкил этган. Демак, аҳоли саломатлигини яхшилашда ушбу касаллик турларини олдини олишга устувор аҳамият бериш керак.

Маъмурий туманлар доирасида олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, юқорида таърифлаб ўтилган тиббий экологик районлар орасида энг салбий кўрсаткичлар Ғарбий районда, аниқроғи-Ромитан ва Пешку туманларида кузатилади. Бу ерда ер ости сувлари ҳолати ҳам талаб даражасида эмас. Бунинг оқибатида тупроқларнинг шўрланганлик ҳолати юқори. Хусусан, Ромитан туманида тупроқларнинг шўрланиш даражаси анча катта. Бинобарин, Ғарбий тиббий географик район бугунги кунда вилоятда экологик муҳитнинг ифлосланганлик даражаси ва унинг кишилар саломатлигига таъсири жиҳатидан энг ночор аҳволда. Тез орада шу хусусда зарурий чора-тадбирларнинг амалга оширилиши мавжуд нозогеографик вазиятни анча соғломлаштириши мумкин.

Экологик вазиятнинг хавфлиги жиҳатидан кейинги ўринни эгалловчи Марказий нозогеографик районда саноат ва транспорт тўри нисбатан яхши ривожланган. Айниқса Бухоро, Когон шаҳарлари ва қисман Қоровулбозор туманида бу ҳол янада кўзга яққолроқ ташланади.

Район таркибига кирувчи барча туманлар вилоятнинг асосан марказий қисмини эгаллаб, бошқа тиббий географик районлар таркибидаги туманларни ўзаро боғлаб туради. У вилоятда атмосфера ифлосланиш даражасининг кўрсаткичлари бўйича энг юқори ўринни эгаллайди. Чунки, юқорида таъкидлангани муздек, ҳудудда саноат тармоқлари, шунингдек транспорт ҳаракатининг жадаллиги унинг ҳаво таркибини ифлосланишига кучли таъсир кўрсатади. Шу билан бир қаторда, ушбу район табиий ландшафтлари, эндемик ўсимлик ва ҳайвонот олами вакиллари кучли таъсирга учраган. Сабаби-ҳудуд вилоятнинг, қолаверса, республикамизнинг энг қадимги аҳоли манзилгоҳлари қаторига киради. Асрлар давомида район табиий ландшафтлари ўрнини инсон томонидан бунёд этилган маданий ландшафт кўринишлари эгаллаб борган ва ўлка табиати вилоятнинг қолган ҳудудларига нисбатан кучли ўзгартирилган.

Ушбу район ҳам вилоятнинг экологик жиҳатдан танг ўчоқларидан биридир. Ҳудуд табиатининг кескин ўзгариб кетиши, ландшафт

кўринишларини инсон хоҳиш-истакларига мос ҳолда бетиним ўзгаришга юз тутиши даврлар ўтиши билан экологик бўҳронларни келтириб чиқариши мумкин. Айни чоғда кишилар саломатлиги ва касалланиши бўйича ҳудуд вилоятда энг олдинги ўринларни, айрим тур хасталиклар билан касалланганлар сони бўйича эса ҳатто республикада юқори кўрсаткичларни эгаллайди. Бинобарин, ушбу районда ҳам тиббий назоратни кучайтириш, аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш замон талабидир.

Қоракўл ва Олот туманларидан иборат Қуйи тиббий географик райони ўзига хос табиати, иқлим ва нозогеографик хусусиятлари билан алоҳида ажралиб туради. Район тупроқ таркибининг шўрланганлик даражаси, ер ости сувларининг ер юзасига яқинлиги жиҳатидан Бухоро воҳасидан анча фарқланади. Ушбу туманлар кўпроқ қишлоқ хўжалигига ихтисослашганлиги туфайли атмосферанинг ифлосланиш даражаси нисбатан қониқарли ҳолатда.

Бундан 20-30 йиллар муқаддам Зарафшон дарёси сувининг деярли етиб бормаслиги оқибатида районнинг табиати анча зарар кўрди. Ўлканинг айрим ўсимлик ва ҳайвонот турлари ўз яшаш жойларини ўзгартирди. Кейинчалик эса каналлар қурилиши натижасида экологик муҳит бироз яхшиланди. Аммо айтиш жоизки, вилоят ҳудудининг шимолий-шарқдан жанубий-ғарбга томон нишоблашиб бориши турли оқава жинсларнинг воҳада тўпланиб боришига сабаб бўлган.

Ер ости ва ер усти сувлари ҳолати ҳам оракўл воҳасида ўзгача. Ҳатто қадимда ҳам ўлканинг Зарафшон дарёсининг ўта қуйи қисмида жойлашганлиги унинг табиатига, экологик ва нозогеографик ҳолатига ўз таъсирини кўрсатган. Тахминларга кўра, Қоракўл номининг ўзи ҳам унинг тарихи, табиий шарт-шароитлари билан узвий боғлиқдир (қўйчиликнинг «қоракўл» тури бу номга асло алоқадор эмас). Шунинг учун мазкур районда кўпроқ тупроқ шўрини ювиш тадбирларини амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Маълумотлар шундан далолат берадики, ушбу туманлар экологик аҳволини белгилаб берувчи деярли барча омиллар кишилар саломатлигига

салбий таъсир кўрсатади. Айниқса, ҳудудда ичимлик суви, тупроқларнинг шўрланиш даражаси ниҳоятда оғир аҳволда. Бунинг сабаби- ҳар иккала туман бўйича ҳам тупроқнинг шўрланганлик кўрсаткичлари жуда юқоридир.

Экологик районлар орасида вилоятда бошқаларга нисбатан бироз бўлсада, экологик жиҳатдан қулайроқ, ҳудуд бу **Юқори район**дир. Лекин ушбу районнинг нозогеографик вазияти ҳам кишилар саломатлиги нуктаи назаридан тўла ижобий баҳога эга. Жумладан, Гиждувон туманида бу ҳол анча сезиларли бўлиб, унда қўшни Навоий вилоятининг анчагина таъсири бор. Айниқса сув, ҳаво оқимлари таъсирида ҳар хил заҳарли газларнинг ҳудудга кириб келиши туманда нафас олиш аъзолари хасталикларининг тарқалишига сабаб бўлмоқда. Шу билан бирга туман аҳолисининг сифатли ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси ҳам жуда паст. Бу эса у ерда яшовчи кишилар саломатлигига ўз салбий таъсирини кўрсатади.

Айни пайтда, район таркибига кирувчи Шофиркон, Вобкент туманлари экологик жиҳатдан вилоятда энг қулай ўринларни эгаллайди. Бироқ, Бухоро вилояти ҳудуди, умуман олганда аҳоли саломатлигига ижобий таъсир этувчи қулай экологик шарт-шароитларга унча эга эмас. Шундай экан, бу ерда экологик муҳит мусаффолигини таъминловчи шошилиш (тезкор) чора-тадбирларининг амалга оширилиши зарурдир. Бу борада саноат корхоналари ва транспорт фаолиятини қатъий назорат остига олиш, ҳудудда экологик вазиятни юмшатиш мақсадида тупроқлар шўрини ювиш, ичимлик суви таркибини янада яхшилаш ишларига ҳам эътибор берилиши лозим.

Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва касалликларнинг олдини олишда санитария-гигиена талабларига риоя қилиш, баъзи экологик вазияти ўта танг аҳволда бўлган ҳудудларда тиббий назоратни янада кучайтириш зарур. Мазкур ишлар эса тегишли соғлиқни сақлаш муассасалари, вилоят табиатни муҳофаза қилиш ташкилоти, вилоят санитария-эпидемиология бош маркази томонидан доимо назорат остига олинishi керак.

Аҳолининг ялпи касалланиш даражаси ўта юқори (Ромитан, Пешку туманлари ва Бухоро шаҳри) бўлган ҳудудларда махсус тиббий кузатув ишлари амалга оширилиши ва мазкур ҳудудлар барча замонавий тиббий асбоб-ускуналар, дори-дармонлар ҳамда малакали тиббиёт ходимлари билан таъминланишни тақозо этади. Бундай чора-тадбирлар вилоятда айрим хасталик турлари (сил, захм, тери касалликлари) бўйича ҳатто республикада ажралиб турувчи баъзи туманлар ёки бошқа аҳоли манзилгоҳларда ҳам амалга оширилиши лозим.

Шунингдек, кўрилаётган ҳудудларда (жумладан, Қоровулбозор, Пешку туманларида) юқоридаги хасталикларни даволовчи шифо масканларини барпо этиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Бу ўринда таъкидлаш жоизки, келгусида Бухоро вилоятида чўл шароити учун хос бўлган сиҳатгоҳларни барпо этиш масалаларига эътибор қаратиш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, вилоятда айнан чўл ҳудудлари учун хос бўлган иссиқ ва қуруқ иқлим ёрдамида даволовчи баъзи сиҳатгоҳлар мавжуд бўлсада, (Ситораи Моҳи-Хоса, Ҳ.Аллаев), лекин бўғим, таянч ҳаракат аъзолари билан боғлиқ хасталикларни бевосита қум ёки туз орқали даволовчи махсус даволаш муассасалари ҳозирча ташкил этилмаган. Яқин келажакда, вилоятда ана шундай сиҳатгоҳлар фаолиятини йўлга қўйиш, чўл шароитида мавсумий тарзда дам олувчиларни қабул қилувчи ихтисослашган туристик марказлар ташкил этиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

ХУЛОСА

1) Таҳлил қилинган Бухоро вилояти чўл шароити билан чамбарчас боғлиқ бўлиб бу ҳолат унинг экологик вазиятини белгилаб беради. Вилоятнинг Зарафшон дарёсининг қуйи қисмида унинг қадимий дельтасида жойлашганлиги анча саноатлашган Навоий вилояти ва экологик жиҳатдан ўта танг ҳолатда бўлган Қуйи амударё билан черадошлиги ўлка аҳолиси саломатлига ўз салбий таъсирини кўрсатади.

2) Маълумки, ичимлик сувида бўлган эҳтиёж Бухоро вилояти ҳудудида яшовчи аҳолининг азалий муаммоларидан биридир. Ўтмишда ҳам минтақа учун хос хасталикларнинг кўпчилиги сув манбаалари орқали тарқалган. Бугунги кунда ҳам вилоят аҳолиси ичимлик суви билан етарлича таъминланган эмас.

3) Бухоро вилояти Ўзбекистондаги типик саноатлашган районлардан фарқ қилиб, унинг иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги етакчи тармоқ ҳисобланади; ҳудудда асосан қишлоқ маҳсулотларини қайта ишловчи саноат пунктлари мужассамлашган. Шу боис вилоятда мавжуд касалликлар таркибида ҳам айнан унда ихтисослашган тармоқнинг таъсири сезилиб туради.

4) Бухоро вилояти мамлакатимизда айрим гуруҳ ҳасталиклари (қон ҳосил қилувчи аъзолари, нафас олиш, овқат ҳазм қилиш ва бошқ) ҳамда баъзи турдаги касалликларга (сил, захм, сўзак, вирусли гепатит В) чалинганлар сони бўйича юқори кўрсаткичларни намоён қилади.

5) Тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда вилоят ҳудуди ўзаро ўхшаш табиий ва иқтисодий - ижтимоий хусусиятларига кўра бир неча тиббий географик районлар (Юқори, Марказий, Ғарбий, Қуйи)га ажратилади.

Мазкур районларни ўрганиш орқали ўзига хос экологик вазият янада яққол роқ кўзга ташланади ва бунда Ғарбий район тиббий географик жиҳатдан энг хавфли деб баҳоланади.

6) Маълумки, муайян ҳудуд аҳолисининг саломатлик даражасини изоҳловчи бой индикатор бу-аҳолининг ўлим кўрсаткичидир. Гарчи, вилоят

аҳолиси мазкур кўрсаткичлар бўйича республикамизда анча кейинги ўринларда турсада, бироқ туғулгунгача бўлган гўдаклар ва аёллар ўлими бўйича Ўзбекистонда етакчи ўринларни эгаллайди.

7) Айни вақтда аҳолининг саломатлиги билан боғлиқ қатор муаммолар вилоятнинг кўпроқ қишлоқ жойларида тўпланиб бормоқда. Холбуки, Бухоро вилояти, умумий аҳолисининг асосий қисми қишлоқларда яшайди. Ушбу муаммоларнинг ечими авваламбор ҳудуднинг экологик жихатдан тўла барқарорлаштириш орқали амалга оширилади.

Фойдаланилган адабиётлар

- 1 Абу Бакр Ар-Розий. Касалликлар тарихи. –Т.:Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 1994. -251 б.
- 2 БМТ ни биласизми? Нью-Йорк, 2005
- Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида, хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари.-Т.: Ўзбекистон, 1997.-326
- Каримов И.А.Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз.- Тошкент , 2010
- Миллий маъруза
- 3 Нигматов А. Н. Табиат жамият маънавият (Президент И.А.Каримов асарларида экология масалаларининг ёритилиши)-Тошкент, 2009
- 4 Нуоров У.Н. Бухоро вилояти иқлими ва унинг ресурслари.- Бухоро,1996, -55 б.
- 5 Солихўжаев С.С. Гигиенадан амалий машғулотлар .- Тошкент 1996
- 6 Турсунов Х.Т., Рахимова Т.У. Экология.-Тошкент,2006
- 7 Турсунов Х.Т. Экология ва барқарор ривожланиш.-Тошкент, 2009
- 8 Турсунов Х.Т. Экология асослари ва табиатни муҳофаза қилиш.- Тошкент, 1996. -103 б.
- 9 Шодиметов . Ижтимоий экологияга кириш. –Т.: Ўқитувчи, 1994.- 240 б.
- 10 Экологик экспертиза (маърузалар матни) –Термиз, 2009
- 11 Эргашев А.Э., Эргашев Т.Э, Инсон экологияси.-Тошкент, 2009
- 12 Эргашев А., Отабоева Ш., Шарипов Р., Эргашев Т. Сувнинг инсон ҳаётидаги экологик моҳияти.-Тошкент ,2009
- Ўзбекистон миллий энциклопедияси I том
- 13 Shamsiddinova G.D., Karimova D.A. Kimyoviy ekologiya.- Toshkent,2010
- 14 Mustafoev S. Umumiy ekologiya. – Toshkent, 370-375 betlar
- 15 Yormatova D. Sanoat ekologiyasi.- Toshkent,2007
- 16 Уатт К. Экология и управление природными ресурсами.-М.-М.,19

Шошин А.А. Основа мединской географии. М.-Л.: Изд. Академии наук, 1962. -247 с.

17 Экологическая безопасность и гражданская инициатива. - Тошкент, 2006

18 Экология мавзусида мақола ёзишни ўрганиш учун материаллар-Тошкент, 2011

19 Биологик хилма –хилликни сақлашнинг долзарб муаммолари

20 Комилова Н.Ҳ. Қишлоқ аҳолиси ва унинг саломатлиги //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. №5.-Т.,1998.34-37 б.

21 Сув - ҳаёт манбаи \ Халқаро ҳаракат ўн йиллигига бағишланган рисола, 2005-2015 йиллар

22 Комилова Н.Қ., Солиев А.С. Бухоро вилоятининг нозогеографик вазияти (аҳоли касалликларининг ҳудудий хусусиятлари) .География фанлари номзоди, дисс.автореферати.- Тошкент, 2005

1. Ахмедов Э., Саидаминова З. Ўзбекистон Республикаси. Қисқача маълумотнома. –Т.: Ўзбекистон, 1998. -130 б.

2. Будёко М.И. Влияние человека на климат.-Л.: Гидрометеиздат, 1972. -46 с.

3. Васильев К.Г. и др. Медицинская география. –М.: Наука, 1976. -214 с.

4. Воловская М.Л. Эпидемиология билан инфекцион касалликлар асослари.-Т.: Медицина, 1977, -387 б.

5. Воронов А.Г. Медицинская география. –М.:Наука, 1981. -116 с.

6. Гиренок Ф.И. Экология цивилизации, ноосфера. –М.:Наука, 1987. - 182 с.

7. Исламбеков Р.Ҳ. Бўқоқ ва уни даволаш. –Т.:Ўздавмеднашр, 1962. - 33 б.


8. История Бухары. –Т.: Фан, 1976. -384 с.

9. Казначеев В.П. Очерки теории и практики экологии человека.-М.: Наука, 1983. -260 с.
- 10.Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида, хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари.-Т.: Ўзбекистон, 1997.-326 б.
- 11.Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари.-Т.: Ўзбекистон, 1998. -18 б.
- 12.Келлер А.А. Основнѣе закономерности эпидимологической географии//Методологические основѣ медицинской географии. –Л., 1983, с. 99-105.
- 13.Келлер А.А., Разоринов Г.Н. Моделирование в эпидимиологической географии. –М., с. 18-25.
- 14.Комилова Н.Ҳ. Қишлоқ аҳолиси ва унинг саломатлиги //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. №5.-Т.,1998.34-37 б.
- 15.Медицинская география и здоровье. Сборник научнѣх трудов. –Л.: Наука, 1989. -223 с.
- 16.Методологические основѣ медицинской географии. –Л.:Наука, 1981. -164 с.
- 17.Меренюк Г.В. Загрязнение окружающей средѣ и здоровье населения.- Кишинев, 1984. -144 с.
- 18.Мей Ж. Медицинская география//Американская география. Современное состояние и перспективѣ. -М., 1957. с. 431-445.
- 19.Моисеев И.Н. Человек, среда, обхество.–М.:Наука, 1982.-240 с.
- 20.Назаров И.К. Абиогеннѣе потоки в ариднѣх геосистемах оптимизации природопользования.-Т.: Фан, 1992, -100 с.
- 21.Назаров М. Территориальная организация медицинского обслуживания населения в сельской местности (на примере Наманганской области). Автореф. дисс. канд. геогр. наук. –Т., 1996. -18 с.


- 22.Павловский Е.Н. Природная очаговость трансмиссивнўх болезней в связи с ландшафтнўй эпидимиологией зооантропозонов. М.-Л., 1964. - 211 с.
- 23.Подольн В.Я., Бяков В.П. и др. Современнўе проблемў медицинской географии // Изд. ВГО, 1980, №6, с.477-483.
- 24.Прохоров Б.Б. Экология человека. Понятийно-терминологический словарь. –М.: Изд-во МНЭПУ, 1999. -348 с.
- 25.Прохоров Б.Б. Прикладная антропоэкология. Учебник.-М.: изд-во МНЭПУ, 1988.-312 с.
- 26.Райх Е.Л. Эволюция представлений об объекте науки в современной медицинской географии//Медицинская география и здоровье.-Л., 1989. с. 30-44.
- 27.Рафиқов А.А.Геоэкологик муаммолар. –Т.: Фан, 1996. -110 б.
- 28.Саломатлик. Оммабоп медицина энциклопедияси. –Т, 1985. -421 б.
- 29.Солиев А.С. Иқтисодий ва ижтимоий географиянинг долзарб масалалари. –Т.; 1995. -52 б.
30. Солиев А.С., Ҳаршибоева Л. Иқтисодий географиянинг назарий ва Амалий масалалари.-Т.: Зиё, 1999. -184 б.
31. Солиев А., Комилова Н. Аҳоли саломатлигининг географик хусусиятлари ва нозогеографик вазият//ЎзМУ хабарлари, 2000. № 1., 12-17 б.
32. Солиев А., Комилова Н. Медицинская география ариднўх территорий//Проблемў освоения пустўнь.-Ашхабад, 2000, № 4., 54-60 с.
33. Солиев А.С., Ҳамроев В.Х., Комилова Н. Тиббиёт географиясининг баъзи бир масалалари//Ўзбекистон География жамияти ахбороти, XVIII том.-Т., 1997. б. 77-79.
34. Тиббиёт қомуси луғати. –Т.: Ҳомуслар бош таҳририяти, 1994. -222 б.

35. Турдўмамбетов И.Р. Медико-географический анализ дельты Амударьи и улучшение ее санитарно-гигиенической ситуации. Автореферат дисс. канд. геогр. наук. Т., 2005, -22 с.
36. Турсунов Х.Т. Социально-географические аспекты исследования экологической ситуации крупного города (на примере г.Ташкенте)., Автореферат. Дисс. Канд. Гегр. Наук. Т., 1994, -23 с.
37. Турсунов Х.Т. Экология асослари ва табиатни муҳофаза қилиш. Т., 1996. -103 б.
38. Шошин А.А. Основы медицинской географии. М.-Л.: Изд. Академии наук, 1962. -247 с.
39. Шадиметов Ю.Ш. Региональные проблемы социальной экологии-Т.: Узбекистан. 1992. -111 с.
40. Ҳикматуллаев Х. Шарқ таъобати. –Т.: А.Ҳодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 1994. -284 б.
41. Чаклин А.В. Медицинская география.-М.: Знание. 1977.-128 с.
42. Чаклин А.В. География и здоровье. –М.: Знание, 1986. -152 с.
43. Чаклин А.В. Лекция о здоровье и долголетию.-М.: 1986. -64 с.

ИЛОВА



- Теплоэнергетика
- Автотранспорт
- Черная металлургия
- Производство строительных материалов
- Цветная металлургия
- Нефтепереработка
- Химическая промышленность



Есотесн .уз

